

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

30-сон
(218)
2006 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

288. «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармони
289. «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарори
290. «Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари Кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПҚ-424-сон қарори
291. «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураг жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва мухандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарори

Учинчи бўлим

292. «Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий-лаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сон қарори
293. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари хамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 26 июлдаги 147-сон қарори
294. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 27 июлдаги 149-сон қарори
295. «Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 27 июлдаги 150-сон қарори

Бешинчи бўлим

- +
296. «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг разана ижроси хисоби тўғрисидаги Вақтингчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 12 июлдаги 61, 279-В-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1599-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
297. «Бюджетдан маблағ олувчиликнинг шахсий ҳисобварафини очиш ҳақида вақтингчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 27 июндаги 59-сон бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1600-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
298. «Самарқанд вилояти разначилик ижросида бухгалтерия хисоби ҳақида вақтингчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Молия вазирининг 2006 йил 27 июндаги 60-сон бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1601-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
299. «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия хисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6 қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1602-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
300. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия хисоби ҳисобвакълар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/7 қарори

ри. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 773-22-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

- 301. «Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2006 йил 30 июндаги 17, 63, 2, 1-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1603-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- 302. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Баҳолашни умумий тушунча ва принциплари» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-19-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1604-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- 303. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Бозор қиймати баҳолаш базаси сифатида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-20-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1605-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- 304. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Бозор қийматидан фарқланувчи баҳолаш базаси» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-21-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1606-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- 305. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Молиявий хисобот ва турдош ҳужжатлар мақсадида баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-22-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1607-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- 306. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Суда, гаров ва қарз мажбуриятларини таъминлаш учун баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-23-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1608-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- 307. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган махсулотлар ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хуносалар бериш тартиби ҳакидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 25-июндаги ЭГ-01/10-4090, 4, 68, 01-02/8-14, 2006-33-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 26 июлда 1311-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

+

-

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 22 июлдан 28 июлгача бўлган маълумот

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

288 Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида

Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг хуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш, шунингдек ўй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари — резидентлар мулкий хуқуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси обьектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур обьектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган микдорда хусусийлаштириш хуқукига эга бўладилар.

Ушбу бандда назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун хужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик хукуқини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

2. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ хусусийлаштирилмаган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари — резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига қадар эллик йилгача, аммо ўттиз йилдан кам бўлмаган узок муддатли ижарага қайтадан расмийлаштирилиши лозим.

Ер тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини узок муддатли ижарага олиш хуқуки шартномада кўрсатилган муддат тугамасдан тўхтатилиши ёки ижарага олинган ер участкаси майдони қискартирилиши мумкин.

3. 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари — резидентларига якка тартибда ўй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш хуқуки берилсин.

Бунда якка тартибда ўй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари кўйидаги тартибда хусусийлаштирилади:

ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр хужжатларида белгиланган чегара ва микдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик хуқуки билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида;

ер участкаларини якка тартибда ўй-жой қурилишига ким ошди асосида қонун

хужжатларида белгиланган микдорларда сотиш чофида, кейинчалик мулкка эгалик хукукини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиши;

томонлар — кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашуви бўйича якка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳадя этиши (яқин қариндошлар бундан мустасно) чофида мажбурий тартибда.

4. Қуйидагилар белгилансин:

кадастр хужжатларида белгиланган чегара ва микдорларда якка тартибда уй-жой куриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш қатъян бозор нархлари бўйича амалга оширилади;

фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой куриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ер участкаларини олишда илгари тўланган қиймат ким ошди савдолари натижалари бўйича ер участкаларини хусусийлаштириш учун тўланадиган ҳақ микдорини белгилаш чофида хисобга олинади;

хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан ҳарид қилиш-сотиш, айирбошлиш, ҳадя килиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2007 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш чофида бозор нархларини белгилаш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ерлар кадастрини ишлаб чиқсин ва апробациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иктисолиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги 2006 йилнинг 1 октябригача:

юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда бозор қийматини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни;

бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкалари, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ участкаларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни;

якка тартибда уй-жой куриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун бериладиган ер участкаларини хусусийлаштириш ва уларнинг бозор қийматини аниqlаш тартиби тўғрисидаги низомни;

ер участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилансинки, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар давлат бюджетига тўлиқ ўтказилади ва 80 фоиз микдори Республика бюджетига ҳамда 20 фоиз микдори тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ва худудларни ободонлаштиришда мақсадли фойдаланилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан Республика бюджетига тушадиган маблағларнинг камida 3 фоизи инвентаризация, мухандислик инфратузилмаси бош режалари ва схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва иктисолий зоналарга ажратиш бўйича қилинадиган сарф-харажатларни қоплашга йўналтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 июль,
ПФ-3780-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

289 Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида



Республиканинг баъзи комиссиялари ва кенгашлари таркибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ижро этувчи тузилмаси билан мувофиқлашириш, шунингдек улар фаолиятини тартибга солиш мақсадида:

1. Куйидагилар:

давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси таркиби 1-иловага* мувофиқ;

акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Идораларо божхона-тариф кенгашининг таркиби 3-иловага* мувофиқ;

давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Асосий озиқ-овқат махсулотларини харид қилиш бўйича тендерлар ўтказилишини мувофиқлаширувчи Давлат комиссияси тугатилсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 8 апрелдаги 136-сонли қарори билан тасдиқланган ижтиёмий соҳа муассасаларини, махсус истеъмолчилар ва давлат резервини асосий озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш Тартибига ўзгартишлар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

Баъзи қонун ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин ҳамда айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

* 1—3-иловалар берилмайди.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июль,
ПҚ-423-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 июлдаги
ПҚ-423-сон карорига
4-ИЛОВА

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан тасдиқланган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ давлат корхоналари (мулки) қисми бўйича, шунингдек якка тартибдаги лойихалар бўйича давлатга тегишли ва сотилиши зарур бўлган акциялар пакетлари ва улушларини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) вазифалари, хукуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

2. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари хамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

II. Комиссиянинг вазифалари

3. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек жалб қилинган хорижий эксперт компаниялар ва маслаҳатчи-консультантларнинг сотишдан олдинги тайёргарлик хамда якка тартибдаги лойихалар бўйича хусусийлаштириладиган обьектларни сотиш масалалари бўйича биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш;

ошкоралик, баҳолашнинг холислиги ва талабларнинг ягоналиги асосида тендер қатнашчилари учун тенг ракобат шарт-шароитлари яратиш;

тендер савдолари асосида сотиладиган корхоналарнинг давлат активларини харид қилишга номзодларнинг энг манфаатли таклифлари танловини ўтказиш;

давлат корхоналарини хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштиришга йўналтирилган Президент ва Хукумат хужжатларининг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш, республика иқтисодиётiga хорижий ин-

вестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини янада ривожлантириш ва ошириш;

сансалорлик, бюрократизмнинг пайдо бўлиши ва обьектларни хусусийлаштириш, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштириш ҳамда акциялар пакетларини ва корхоналарни тўлиқ танлов (тендер) савдолари ғолибларига сотишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш муддатлари чўзиб юборилиши ҳолларини бартараф этиш;

иктисодиёт тармоқларида Давлат комиссияси қарорлари қабул қилинган хусусийлаштирилган корхоналар ва обьектларнинг фаолияти устидан мониторинг ташкил этиш.

III. Комиссиянинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

4. Комиссия қўйидаги ҳукуқларга эга:

Давлат мулки қўмитаси томонидан давлат манфаатлари учун, биринчи навбатда янги иш жойларини яратиш, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг самарали фойдали фаолият юритиши, уларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини таъминлайдиган давлат активларини хорижий инвесторларга белгиланган тартибда сотиш учун (тендер, ким ошди, биржа) савдоларнинг шартлари ва шаклларини белгилаш;

тендер қатнашчиларини малакали танлаш ва тендер таклифларини баҳолаш мақсадида обьектлар, акциялар (улушлар)ни инвесторларга сотиш бўйича тендерлар ўтказиш учун идоралараро ишчи гурӯхлар ташкил этиш;

тендер хужжатларини ва шунингдек тендер обьектларининг сотилиш баҳосиди, тендер обьектларини сотишга жалб қилинадиган эксперт, шу жумладан хорижий, компаниялар ва воситачиларни танлаш шартлари ва мезонларини тасдиқлаш;

хусусийлаштириладиган обьектга (акциялар пакетига) талаб конъюнктурасига кўра ҳамда тегишли инвестиция мажбуриятлари бўлган аниқ стратегик инвесторлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланадиган тартибда тендер обьектларининг бошлангич нархини ўзгартириш;

Давлат мулки қўмитаси томонидан ёки унинг томонидан шартномавий асосда жалб қилинган маҳаллий ва хорижий инвестициялар воситачилари орқали ўтказилидиган тендер савдолари натижаларини тасдиқлаш;

тендер ёки ким ошди савдолари натижаларига кўра ғолиб бўлмаган тақдирда давлат активларини бошқа усуслар (биржа савдолари ёки потенциал инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш ўйлари) билан сотишни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

обьектлар ва акцияларни (улушларни) ҳам эркин муомаладаги валютада, ҳам миллий валютада, шу жумладан ҳак тўлашнинг аралаш шаклларида ва инвестор томонидан эркин муомаладаги валютада аниқ инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан замонавий технология асбоб-ускуналари етказиб бериш ҳисобига сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Комиссияга юкландган вазифаларни таъминлаш учун зарур ахборотларни олиш;

обьектларни хусусийлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги сансалорлик, бюрократизмнинг пайдо бўлиши, муддатларни чўзиш ҳоллари ҳамда корхоналар ва акцияларни хорижий инвесторларга сотишни жадаллаштириш бўйича мустақил қарор қабул қилиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тармоқ

бирлашмалари, корхоналарнинг ижро этувчи органлари вакилларини Комиссия фаолияти учун жалб этиши;

давлат активларини муваффақиятли сотиш учун молиявий маслаҳатчи-консультантлар, эксперталар ва техник мутахассисларни жалб қилиш шартлари ва мезонларини тасдиқлаш;

бепул сотилиши лозим бўлган паст рентабелли, зарап кўриб ишлайдиган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвиди объектлар рўйхатларини, шунингдек уларни инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари билан сотиш шартларини тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

Комиссия шунингдек айрим холларда, иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарга инвестицияларни жалб этишда қўйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

корхона (акциялар улушлари) сотилгунга қадар бюджетдан ва давлат корхоналаридан, жумладан муддатлари кечикирилган йиғилган қарзларини таркибий ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

инвесторнинг сўровига кўра, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳсулотларни ўзлаштириш даврида табиатни муҳофаза қилиш кўрсаткичлари бўйича талабларни оширишга мораторийларни белгилаш.

Комиссия давлат мулкини биринчи даражали стратегик инвесторларга уларнинг корхоналарни ривожлантириш бўйича инвестиция мажбуриятлари остида сотганида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қўйидаги таклифларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида олинган банкларнинг, шу жумладан хорижий банкларнинг кредитлари бўйича корхоналарнинг қарзларини тўлиқ сўндирилиши бўйича кўшумча мажбуриятлар олиш шартларида корхонани яхлит ёки сотиладиган давлат улушини акцияларнинг назорат пакетигача ошириш ҳақида;

хусусийлаштирилётган корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида олинган банкларнинг, шу жумладан хорижий банкларнинг кредитлари бўйича қарзларини қисман ёки тўлалигича таркибий ўзгартириш тўғрисида.

5. Комиссия:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тендер объектларини сотишни ташкил этиш бўйича қарорларини бажаришга;

Комиссия мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга мажбурдир.

IV. Комиссия ишини ташкил этиш

6. Комиссия ўзининг иш жараёнида ушбу Низомга амал қиласи ва ўз фаолиятини тасдиқланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

7. Комиссия мажлислари унинг аъзоларининг камидан тўртдан уч кисми катнашган ҳолда заруратга қараб вақти-вақти билан ўтказиб турилади.

Комиссия қарорлари мажлисда қатнашा�ётган Комиссия аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган холларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз хисобланади.

Комиссия қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган ва Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённома имзоланаётганда Комиссия аъзолари унга ўзларининг алоҳида фикрларини илова қилишга ҳақлидирлар.

8. Тендер объектларини унинг голибларига бериш Комиссиянинг тегишли қаро-

рига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Комиссия иши билан боғлиқ ахборотлар махфий ҳисобланади ва хусусийлаштириш жараёнида қатнашмайдиган учунчи шахсга ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

Комиссия аъзолари, шунингдек ишчи гурух аъзолари кўрсатиб ўтилган ахборотни ошкор қилганликлари учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

10. Комиссиянинг тендерларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш, шунингдек, эксперт компанияларни ва воситачиларни, шу жумладан хорижий, тендер асосида танлаш харажатлари хамда уларга тўланадиган пул мукофотлари:

давлат мулки обьектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан;

тендер обьектини сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан тўланади.

V. Комиссиянинг ишчи гурухлари

11. Идораларо ишчи гурухлар (кейинги ўринларда ишчи гурухлар деб аталади) Комиссия қарорига кўра корхоналарнинг қайси тармоққа қарашлилигига қараб Вазирлар Махкамаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг масъул ходимлари хамда тегишли тармоқлар ва корхоналар вакилларидан иборат таркибда тузилади.

+ Ишчи гурухларга Вазирлар Махкамасининг тегишли тармоқлар комплекслари раҳбарлари бошчилик қиладилар. Ишчи гурухлар аъзоларининг шахсий таркиби Комиссия қарорига кўра тасдиқланади. Ишчи гурухларнинг иш режаси Ишчи гурух раҳбари томонидан тасдиқланади.

- 12. Ишчи гурухларнинг асосий функциялари қўйидагилар ҳисобланади:

Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган материаллар асосида обьектларнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари, уларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги барча дастлабки ахборотларни тайёрлаш;

тендерларни ташкил этишга жалб қилинадиган воситачилар учун техник топширикларни тузишда қатнашиш;

давлат активларини сотиш шартлари ва шакллари, уларни сотиш қийматини белгилаш, инвестиция таклифларини баҳолаш тартиби, голибни танлаш мезонлари, тўловлар тартиби ва шартлари бўйича Комиссия ишчи органига таклифлар киритиш;

потенцијал инвесторларни хусусийлаштириладиган корхоналар билан таништиришни ташкил этиш;

эксперт баҳолашни амалга ошириш ва инвесторлардан тушаётган инвестиция таклифлари бўйича хуносалар тайёрлаш.

13. Ишчи гурух раҳбари хусусийлаштириладиган корхоналарнинг давлат активларини сотиш шаклларини мухокама қилаётганда, шунингдек тасарруфидаги тармоқларнинг сотиладиган обьектлари бўйича хорижий инвесторларнинг таклифлари кўриб чиқилаётганда Тендер комиссияси мажлисларида қатнашиши шарт.

14. Ишчи гурух мажлиси унинг аъзоларининг тўртдан уч қисми қатнашганда хақиқий деб ҳисобланади.

Ишчи гурух мажлислари қарорлари мажлисда қатнашган ишчи гурухининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади ва раҳбар томонидан тасдиқланади.

Қарорлар мажлисда қатнашаётган барча ишчи гурух аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда ишчи гурух раҳбарининг овози ҳал қилувчи овоз хисобланади.

VI. Комиссиянинг ишчи органи

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Комиссиянинг савдоларни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил қилишни амалга оширувчи (тушаётган таклифларни экспер特 баҳолаш, Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган хужжатларни расмийлаштириш, реклама ишлари, Комиссияда иш юритиш) ишчи органи хисобланади.

16. Комиссиянинг ишчи органи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Комиссия томонидан тасдиқланган шартларда, жумладан ихтисослаштирилган ташкилотлар ва воситачиларни жалб этган ҳолда ким ошди ва тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;

б) Комиссия томонидан белгиланган шартлар ва мезонларда, шу жумладан хорижий, техник, молиявий, юридик экспер特ларни ва воситачиларни давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлардан, кейинчалик харажатларни объектлар (акциялар) сотилишидан тушадиган тушумлар хисобидан компенсация қилиш билан уларнинг хизматларига ҳақ тўллаган ҳолда тендер ва ким ошди савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш учун танлов асосида таклиф этиш;

в) Комиссияя:

белгиланган тартибида тендер ва ким ошди савдолари эълон қилинган ва ўтказилгандан кейин потенциал инвесторларда манфаатдорлик бўлмаган тақдирда давлат активларини сотиш шакллари ва шартларини ўзгартириш бўйича;

тендер савдоларини тайёрлаш ва ўтказишнинг молиявий ва техник шартлари, инвестиция таклифларини баҳолаш тартиби, ғолибни танлаш мезонлари, тўловлар тартиби ва шартлари бўйича таклифлар киритиш;

г) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, юридик шахслар бирлашмалари ва хусусийлаштирилладиган корхоналардан унга юкланган вазифаларни таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни олиш;

д) идоралараро ишчи гурухлар ишлари тўғрисидаги хисботларни сўраб олиш;

е) Комиссия билан келишган ҳолда тендер савдоларини ўтказиш ва уларнинг якунлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ўз номидан эълонлар чиқариш.

17. Комиссиянинг ишчи органи қўйидагиларга мажбур:

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш;

ҳар бир хусусийлаштириш обьекти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, тартибга солиш ва ишлашни амалга ошириш;

потенциал инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга обьектлар ҳақидаги умумий мажбурий ахборотлар ва уларнинг сўровлари бўйича қўшимча ахборот ўз вақтида жўнатилишини таъминлаш;

бевосита ёхуд сотиш бўйича бошқа агентлар билан биргаликда техник топширик, контракт лойиҳаларини ва Комиссия тасдигига киритиладиган бошқа тендер хужжатларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш;

идоралараро гурухларнинг лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва сотиладиган обьектлар бўйича тушаётган таклифларни экспер特 баҳолаш юзасидан ишларини мувофиқлаштириш;

тендерлар ва ким ошди савдоларини ўтказиш бўйича реклама-маърифий ишларни

ташкил этиш. Таркибига кирадиган корхоналар-эмитентлар ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ишчи орган корхоналар тўғрисидаги ахборотни очишни амалга оширади, потенциал инвесторларнинг корхоналар ва уларнинг асосий техник-иктисодий, молиявий ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан танишиш учун шароитлар яратади, инвесторлар излаш ва улар билан музокаралар олиб бориши ташкил этади;

мунтазам равишда, чоракда камида бир марта тендер, ким ошди, биржа саводлари якунлари, шунингдек Комиссия томонидан тасдиқланган шартларда давлат активларини сотиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш натижалари бўйича Комиссияга ахборот бериш;

Комиссия мажлисларини чақиришнинг барча ташкилий масалаларини ҳал қилиш;

Комиссияда аниқ ва тўлиқ иш юритиш, Комиссия хат-хабарларини хисобга олиш ва туркумлаш, Комиссия ва идоралараро гурухлар барча мажлисларининг баённомаларини ўз вактида расмийлаштириш.

18. Давлат мулки қўмитаси тасдиқланган хусусийлаштириш дастурларининг сўзсиз бажарилиши, хусусийлаштиришдан валюта ресурсларининг қўшимча тўлдирилиши, шунингдек, давлат тасарруфидан чиқаришдан тушумларни тақсимлаш юзасидан талабларга катъий риоя қилиниши учун тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 июлдаги
ПҚ-423-сон қарорига
5-ИЛОВА

+

I. Баъзи қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисолид нючор давлат корхоналарини ва обьектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) 1-иловасининг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 362-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган» сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Курилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорининг 1-иловасидаги «Б.А. Голишев — Бош вазир ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари» сўzlари «Б.А.Хўжаев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири, Комиссия раисининг ўринбосари» деган сўzlар билан алмаштирилсин.

II. Ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган қонун ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартағи ПҚ-29-сон қарорига 5-илованинг 8-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбоши ва ушбу қарорнинг 3-иловаси.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорлари ни бажариш юзасидан жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 20 майдаги 258-сон қарори.

4. Вазирлар Махкамасининг «Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисидаги янги таҳрида ги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 22 июндаги 309-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 32-модда).

5. Вазирлар Махкамасининг «2000-2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 69-модда) 4-илованинг 4 ва 5-бандлари.

6. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 23-банди.

7. Вазирлар Махкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига 6-илованинг 10-банди.

8. Вазирлар Махкамасининг «Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 362-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 75-модда)

9. Вазирлар Махкамасининг «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 25 июндаги 295-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 61-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши ва ушбу қарорнинг 1-иловаси.

10. Вазирлар Махкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 25 ва 31-иловалар.

11. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда) 2-илова 36-бандининг йигирма биринчи хатбоши.

12. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда) 1-илованинг 16-банди.

13. Вазирлар Махкамасининг «Айрим республика комиссиялари ва кенгашлари таркиби ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қарорига 1-илова 10-бандининг ўн иккинчи хатбоши.

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

290 Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари Кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш түғрисида

Давлат активларига эга йирик акциядорлик компаниялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кузатув кенгашлари аъзоларининг ролини кучайтириш ва шахсий масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари Кенгашларининг янгиланган таркиблари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Кенгашларга:

мунтазам асосда (хар чорақда) акциядорлик компаниялари молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ўсишининг кўргазмали таҳлилини амалга ошириш;

корпоратив бошқарув тизимини такомилластириш, тасдиқланган бизнес-режа параметрларини бажариш борасида компания ва корхоналар раҳбарлари фаолияти натижаларини, уларнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлигини принципиал баҳолашни назарда тутган холда компаниялар ва уларнинг таркибига кирувчи корхоналар ижро этувчи органларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш;

хисобот йилидаги иш якунларини чиқаришда хар бир Кенгаш аъзосининг ундаги шахсий иштироки самарадорлигини танқидий кўриб чиқиш вазифаси топширилсан.



Кенгашлар раислари, зарур холларда, етарли ташаббус ва принципиаллик кўрсатмаётган Кенгаш аъзоларини алмаштириш бўйича белгиланган тартибда асосли тақлифлар киритсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг баъзи қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартышлар киритилсан.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг баъзи қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини ўйқотган деб хисоблансан.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 июль,
ПҚ-424-сон

* 1-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 24 июлдаги
ПҚ-424-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари га киритиладиган ўзгартишлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарорида:

а) 6-бандининг иккинчи хатбоши куйидаги янги таҳрирда берилсин:

«Компания кенгаши «Ўзбекэнерго» ДАКнинг юқори бошқарув органи хисобланади. Унинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

б) 10-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 марта даги 108-сон қарорида:

а) 6-бандининг иккинчи хатбоши куйидаги янги таҳрирда берилсин:

«Компания кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг юқори бошқарув органи хисобланади. Унинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

б) 6-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорида:

а) 3-бандининг учинчи «6-иловага мувофиқ 13 кишидан иборат таркибдаги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 августдаги 405-сон қарорида:

а) 4-бандининг биринчи хатбошидаги «3-иловага мувофиқ таркибда 7 кишидан иборат» сўзлари чиқариб ташлансин ва жумла охирига «Унинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) 3-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 24 июлдаги
ПҚ-424-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 декабрдаги 605-ф-сон Фармойиши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши аъзоларининг таркиби тўғрисида» 2001 йил 15 марта даги 127-сон қарори ва унинг иловаси.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик

компанияси Кенгаши аъзоларининг таркиби тўғрисида» 2001 йил 15 мартағи 128-сон қарори ва унинг иловаси.

4. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши аъзоларининг таркиби тўғрисида» 2001 йил 15 мартағи 128-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 2001 йил 29 мартағи 154-сон қарори.

5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзавтойўл» Давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши аъзоларининг таркиби тўғрисида» 2003 йил 4 сентябрдаги 384-сон қарори ва унинг иловаси.

6. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда) 2-илованинг 21-банди.

7. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда) 1-илованинг 54-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

291 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш Дастурини босқичма-босқич амалга ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мулкдорларга тегишли турар жой фондини сақлашда уларнинг ролини ошириш, 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини ўз вақтида якунлашни таъминлаш мақсадида:

1. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ишлаб чиқилган, 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникацияларини 2007-2010 йилларда капитал таъмирлаш Жадвали иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уй-жой фондини саклаш мониторингини ўтказувчи комиссиялар раҳбарлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раислари зими масига мазкур Жадвалнинг ижроси бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Белгилансинки:

Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлари хузуридаги ягона буюртмачи хизматлари, Тошкент шаҳрида эса Тошкент шаҳар худу-

* Илова берилмайди.

дий коммунал-эксплуатация бирлашмалари турар жой биноларини капитал таъмирлаш ишлари бўйича бош буюртмачи, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари эса буюртмачи хисобланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари капитал таъмирлаш умумий смета қийматининг 30 фоизи миқдоридаги маблағлар депозит хисобварақларда жамланишини таъминлаш ва капитал таъмирлаш якунлангандан сўнг биноларни фойдаланиш учун қабул қилиб олиш ишларини ташкил этишга жавобгардирлар;

1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларини капитал таъмирлаш факат танлов (тендер) савдолари асосида шартнома тузиш орқали, танлов комиссиялари таркибига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фукароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари вакилларини албатта киритган ҳолда амалга оширилади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари турар жой биноларини фойдаланиш учун қабул қилиб олгандан сўнг уни саклашни таъминлаш, профилактика ва таъмирлаш ишларини олиб бориш, уйлар атрофини яхши саклаш ва ахолига коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этадилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уй-жой фондини сақлаш мониторингини ўтказувчи комиссиялар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари иштироқида:

1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларини пухта инвентаризация қилиш бўйича хulosалар асосида ҳар йили уйларнинг нуксонлари кўрсатилган далолатномалар тузсин ҳамда уларнинг шаҳар ва туманлар бўйича 2007—2010 йилларда капитал таъмирлашнинг аниқ манзилли дастурларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

ҳар йили тасдиқланадиган манзиллар рўйхатига 1991 йилгача қурилган турар жой биноларини капитал таъмирлаш умумий смета қийматининг ширкатнинг депозит хисобварақларида жамланган 30 фоизи миқдорида, жумладан ҳомийлар маблағлари хисобига, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан молиялаштирилиши шарти билан киритсан;

кўп хонадонли уй-жой фондида тасдиқланган лойиҳа хужжатларини, жумладан ресурс сметасини (уйларни капитал таъмирлаш бўйича ишларнинг баҳоланган рўйхатини) хисобга олган ҳолда олиб борилаётган таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари устидан назоратни амалга оширасин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, иловага мувофиқ, 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларини капитал таъмирлашда бажарилётган ишлар сифати, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилишини қаттиқ назоратга олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2007—2010 йилларда тегишли йилга Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларини капитал таъмирлашни молиялаштириш учун таъмирлаш умумий смета қийматининг 70 фоизи миқдорида маблағ ажратишни назарда тутсин;

мазкур маблағлар турар жой биноларининг мұхандислик коммуникациялари ва томини капитал таъмирлашга қатъий ўйнантирилганлигини назарда тутган ҳолда, ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилсин.

6. 2007 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатда барча турдаги солиқлар, ўйфимлар ва бюджеттга, давлат мақсадли фондлари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига, ягона ижтимоий тўловдан ташқари, мажбурий ажратмалар тўлашдан:

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ихтисослаштирилган бошқарувчилари — хизмат кўрсатиш ташкилотлари уй-жой фондига хизмат қилиш ва таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатганда озод этилсин.

7. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргаликда 1991 йилгача курилган кўп хонадонли тураг жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникацияларини 2007—2010 йилларда капитал таъмирлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда таҳлилий ахборот бериб борсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
ПҚ-425-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

292 Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарру- фидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғри- сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги янгиланган низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши амалга оширишда тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя қилинишини, шу жумладан давлат активларини хусусийлаштиришнинг самарали стратегияси ишлаб чиқилишини, шунингдек корхоналарни сотишдан олдин сифатли тайёрлашни, улар молиявий соғломлаштирилишини, хусусийлаштирилаётган корхоналар (объектлар) тўғрисидаги ахборот маълум қилинишини, ўтказиладиган савдоларнинг очик-ошкоралигини, шунингдек янги мулкдорлар ўз инвестиция мажбуриятларини бажариши устидан амалий назорат қилинишини таъминласин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда давлат активларини хусусий мулк қилиб сотиш механизмини ахоли ўртасида тушунтириш бўйича телекўрсатувлар туркумини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

4. Вазириклар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июль,
145-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 21 июлдаги 145-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан
чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибга айлантирини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) куйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

давлат корхонасини хўжалик жамиятига (акциядорлик жамиятига, масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятига) ёки бошқа тижорат ташкилотларига айлантириш;

давлат мулки бўлган обьектларни ва (ёки) давлатга тегишли акцияларни, улушлар ва мулкий пайларни жисмоний ва нодавлат юридик шахсларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига биржа ва биржадан ташқари савдоларда қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда сотиш.

3. Қонун хужжатларига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни амалга ошириш даврида корхона маъмурияти олдин тузилган жамоа шартномасининг барча қоидаларига риоя қилишга мажбурдир.

4. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) шаклларини танлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг ёки Давлат мулки қўмитасининг (Давлат мулки қўмитаси худудий бошқармасининг) қарорларига мувофиқ, ишлаб чиқариш хусусиятларини, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадларини ва ишлаб чиқариш кўламларини, асосий фондлар қийматини ҳамда потенциал инвесторларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг республикадан ташқарида жойлашган мулкини давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)нинг бориши, мол-мулкини сотиш бўйича битишувлар ва сотиб олиш тушумлари суммаси тўғрисидаги статистик ахборот Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси белгилаган тартибда ва муддатларда статистика органларига тақдим этилади.

**II. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)
жараёнлари бўйича ташаббус кўрсатиш**

7. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти карорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан

тасдиқланадиган (белгиланадиган) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари (корхоналар рўйхатлари), шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатномалари (буортманомалари) асосида амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Махкамасининг қарорлари билан белгиланган обьектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари билан белгиланган муддатларга мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) жараёнларини амалга ошириш жадваллари тасдиқланади;

давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни амалга оширувчи орган
— Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари билан белгиланган обьектлар бўйича давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) юзасидан юридик ва жисмоний шахслардан (шу жумладан меҳнат жамоаси аъзоларидан) буортманомалар талаб қилинмайди.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилмаган обьектлар бўйича давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси қарори бўйича, уларнинг ваколатлари доирасида, шу жумладан юридик ёки жисмоний шахсларнинг, шу жумладан ушбу корхоналар меҳнат жамоалири аъзоларининг буортманомалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришни амалга оширувчи орган (Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибда белгиланади.

10. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) юзасидан:

нодавлат юридик шахслардан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан берилган буортманома мулкдорлар томонидан ёки мулкдорлар бунга вакил қилган шахслар томонидан имзоланган ва ариза берувчининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак (1-илова);

жисмоний шахсдан (Ўзбекистон Республикаси фуқаросидан, хорижий давлат фуқаросидан ва фуқаролиги бўлмаган шахсдан) берилган буортманома унинг томонидан ёки бунга вакил қилинган шахс томонидан имзоланган бўлиши керак (2-илова);

корхонанинг меҳнат жамоасидан берилган буортманома меҳнат жамоаси аъзоларининг умумий йигилиши (конференцияси) томонидан бунга вакил қилинган корхона, бўлинма меҳнат жамоаси аъзоси томонидан имзоланади (3-илова). Меҳнат жамоаси буортманомасига меҳнат жамоаси умумий йигилиши (конференцияси)нинг корхона муҳри билан тасдиқланган протоколидан кўчирма, имзолаш варақаси илова қилинади. Юқорида санаб ўтилган хужжатларнинг барчаси корхона муҳри билан тасдиқланади.

11. Корхона (объект)ни давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) юзасидан буортманома давлат тасарруфидан чиқарилаётган (хусусийлаштирилаётган) корхона (объект) жойлашган жой бўйича Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармасига берилади.

12. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) юзасидан буортманомага энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари микдоридаги маҳсус йифим тўланганлиги тўғрисидаги хужжат нусхаси илова қилинган бўлиши керак. Йифим суммаси, кўриб чиқиш натижаларидан қатъи назар, ариза берувчига қайтарилмайди.

13. Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармаси давлат тасарруфидан

чиқариш (хусусийлаштириш)га буюртманома тушган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнода бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармасидан ахборот олингандан кейин қонун хужжатларига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни амалга ошириш ёки буни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни амалга оширувчи органни (марказий аппарат ёки худудий бошқарма) белгилайди.

Буюртманома берилган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнода Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан ариза берувчига давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни амалга ошириш ёки буни рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги ахборот ёзма шаклда етказилади. Ахборотда давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни амалга оширувчи орган — Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси кўрсатилади. Салбий қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчига рад этиш сабаблари хабар қилинади. Бунда рад этиш сабаблари билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) амалга оширилиши мумкин бўлган шартлар ва муддатлар кўрсатилади.

Қўйидаги холларда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, агар:

корхона (объект) давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар рўйхатига кирса;

ариза берувчи томонидан корхона (объект)нинг мазкур тури учун назарда тутилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш хусусиятлари хисобга олинмаса давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш рад этилиши мумкин.

14. Агар буюртманома давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори бўйича амалга ошириладиган корхона (объект) бўйича тушган тақдирда ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) жараёнини ўтказишга тўскىнлик қилувчи сабаблар мавжуд бўлмаганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси корхона (объект)ни давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Давлат мулки қўмитаси томонидан корхона (объект)ни давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) тўғрисида қарори қабул қилинган, объектни давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) юзасидан буюртманомалар берилган вақтдан бошлаб ҳамда ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ушбу корхонага (улуш, пай, акцияларга) мулкий эгалик қилиш хукуқи башка мулкдорга берилгунгача ёки корхонани қайта ўзгартириш рад этилгунгача:

корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш (белгиланган тартибда банкротлик тартиб-таомилларини ўтказиш бундан мустасно);

давлат тасарруфидан чиқарилаётган (хусусийлаштирилаётган) корхонанинг хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хукуқидаги мулкини, мулкий хукуқларини бегоналаштириш (рўйхатдан чиқариш) тақиқланади.

**III. Корхона (объект)ни давлат тасарруфидан чиқариш ва
хусусийлаштириш бўйича комиссияни тузиш ва унинг фаолиятини
ташкил этиш**

16. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)ни ўтказиш учун Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузади. Комиссия таркибига Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси вакиллари билан бир қаторда:

таркибига давлат тасарруфидан чиқарилаётган (хусусийлаштирилаётган) корхона кирадиган давлат органи ёки хўжалик бошқармаси;

давлат тасарруфидан чиқарилаётган (хусусийлаштирилаётган) корхона маъмурати ва меҳнат жамоаси;

молия ва солик органлари;

хизмат кўрсатувчи банк;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (корхоналар қайта ташкил этилган ҳолларда);

ер участкаси хусусийлаштирилган ёки корхона (объект) ер участкаси билан биргаликда давлат тасарруфидан чиқарилган (хусусийлаштирилган) ҳолларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси вакиллари;

бошқа мутахассислар киритилади.

17. Ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ тузилган давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) жараёнларини ўтказиш жадвали асосида ёки давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) юзасидан буюртманома асосида давлат мулки объектини давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси тегишли органлардан Комиссия таркибига киритиш учун номзодларни сўрайди.

18. Тегишли бошқарув органларининг ва ушбу Низомнинг 16-бандига кўрсатилган муассасаларнинг раҳбарлари Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси сўровномаси олингандан кейин уч кун муддатда Комиссия таркибига киритиш учун номзод тўғрисидаги маълумотларни хабар қиласидар ҳамда кейинчалик унинг Комиссия ишларида иштирок этиши учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

Комиссия аъзоларининг Комиссияда ишлаган вақти учун асосий иш жойи бўйича иш ҳақи ва бошқа қўшимча тўловлари сақланиб қолади.

Комиссия ўз фаолиятини бевосита давлат тасарруфидан чиқариладиган (хусусийлаштириладиган) корхонада (объектда) амалга оширади. Комиссия аъзолари қабул қилинадиган қарорлар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

19. Комиссия фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг ишларини ташкил этиш Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси ўз ходимларидан тайинлайдиган Комиссия раиси томонидан амалга оширилади.

Комиссия раиси ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳукукларга эга:

Комиссия аъзоларига, давлат мулки бўлган қайта ўзгартирилаётган объекктнинг мансабдор шахсларига Комиссия фаолияти масалалари бўйича топшириклар бериш;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси кўриб чиқиши учун

+

Комиссия иш тартибини мунтазам равиша бузувчи айрим аъзоларни Комиссия таркибидан чиқариш, уларни тегишли равиша алмаштириш масалаларини киритиш.

20. Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзоларининг камидаги учдан икки қисми, шу жумладан Комиссия раиси қатнашган тақдирда хуқуқий кучга эга хисобланади. Комиссия қарорлари унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Овоз бериш очик усуlda ўтказилади. Комиссиянинг хар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлганда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз хисобланади.

Комиссия қарорининг қабул қилинишига рози бўлмаган Комиссия аъзоси ўз мулоҳазасини ёзма равиша баён қилиш ва уни Давлат мулки қўмитасига ёки унинг худудий бошқармасига юбориш хуқуқига эга.

21. Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)га тайёрлаш бўйича Комиссия томонидан амалга ошириладиган ишлар қўйидагилардан иборат бўлади:

корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини хатловдан ўтказиш;

давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган мол-мулк таркибини аниқлаш;

мехнат жамоасида тушунтириш ишлари олиб бориш;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

22. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган (хусусийлаштирилаётган) корхона маъмурияти мол-мулкни хатловдан ўтказиши далолатномаларини тайёрлаш учун ишчи комиссия тузади. Ишчи комиссия ўз фаолиятини Комиссия раҳбарлигига амалга оширади. Ишчи комиссия аъзолари тақдим этилаётган хужжатларнинг тўғрилиги учун амалдаги конун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

23. Комиссия Давлат мулки қўмитасига ёки унинг худудий бошқармасига кўриб чиқиш учун:

корхонани акциядорлик жамиятига, бошқа хўжалик жамиятига, ёки бошқа тижорат ташкилотига айлантириш тўғрисидаги;

корхонани мулк комплекси сифатида тўлиқ сотиш тўғрисидаги;

корхонани қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш), шунингдек қайта ташкил этиш жараёнида вужудга келадиган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) шакллари тўғрисидаги таклифлардан биттасини киритади.

Агар Комиссия томонидан корхонани давлат тасарруфидан чиқаришга (хусусийлаштиришга) берилган буюртманомада назарда тутилган ташкилий-хуқуқий шаклдан фарқ қиласиган бошқа ташкилий-хуқуқий шаклга айлантириш тўғрисида қарор қилинган тақдирда Комиссия Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармасига қабул қилинган қарорнинг асосланишини тақдим этишга мажбурдир.

Комиссия Давлат мулки қўмитасига корхонани (объектни) сотишдан олдин тайёрлаш тартиб-таомилларини бажариш бўйича асосланган таклифлар киритиши мумкин.

24. Корхонани хўжалик жамиятига айлантиришда Комиссия томонидан:

Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича давлат тасарруфидан чиқарishning намунавий режасига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқарish (хусусийлаштириш) режаси тузилади, унда давлат тасарруфидан чиқарish (хусусийлаштириш)ни ўтказишнинг тавсия этилаётган муддатлари, конун хужжатларига мувофиқ корхона мехнат жамоасининг айрим аъзоларига тавсия этилаётган имтиёзлар кўrsatiladi;

мол-мулкни хатловдан ўтказиш далолатномалари тасдиқланади; таъсис хужжатлари лойиҳалари тузилади.

25. Комиссиянинг обьектларни тўлиқ сотиш тўғрисидаги таклифларида қўйи-дагилар бўлиши керак:

объектни мол-мулк комплекси сифатида тўлиқ сотишнинг афзалликлари асос-ланиши;

сотишнинг тавсия этилаётган усули (биржа, кимошди, танлов (тендер) савдо-лари).

26. Корхонани қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, ўзгартириш) тўғрисида таклифлар киритилганда Комиссия уни қайта ташкил этишнинг зарурлигини асослаши ва қайта ташкил этишга доир тадбирлар режасини тузиши керак. Тақдим этилган хужжатларда, зарурат бўлганда, қайта ўзгартирилаётган бирликлар ўртасида мажбуриятларнинг тақсимланиши ва бошқа алоқалар бўйича таклифлар бўлиши мумкин.

27. Комиссиянинг иш якунлари бўйича Давлат мулки қўмитасига ёки унинг тегишли худудий бошқармасига мажлислар баённомалари, Комиссия тасдиқлаган мол-мулк хатлови далолатномалари, ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмаларнинг, ер участкаларини тақсимлашнинг тавсифи (режа-схемаси, ҳажмлари, жойлашиши), ушбу Низомнинг 23—26-бандларига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш (хусу-сийлаштириш) шаклига доир таклифлар, шунингдек:

корхона солик бўйича рўйхатдан ўтказилган жойдаги солик органи томонидан тасдиқланган корхона баланси;

молиявий натижалар тўғрисидаги хисбот (2-шакл);

дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, шу жумладан тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ёйилмаси;

ер участкалари, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар;

сотишдан олдин тайёргарлик кўриш бўйича таклифлар ва таркибий қайта ўзгартириш тадбирлари режаси (зарур бўлганда) тақдим этилади.

Агар таркибий ўзгартиришлар тадбирлари режасида тегишли бозорда устунлик килувчи корхоналар пайдо бўлишига олиб келувчи корхоналарни қўшиб юбориш назарда тутилган холларда монополияга қарши курашиш органининг розилик хати ҳам тақдим этилади.

Комиссия томонидан корхонани масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамиятга айлантириш тўғрисида таклиф киритилганда айни бир вақтда 4-иловага мувофиқ юридик шахсларнинг ёки 4а-иловага мувофиқ жисмоний шахсларнинг қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав фондидан муайян улушларни сотиб олиш хоҳиши тўғрисидаги буюртманомалари тақдим этилади. Комиссия томонидан корхонани акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида таклиф киритилганда акцияларнинг меҳнат жамоаси аъзоларига сотишга тавсия этилган пакети доирасида, уларнинг ҳар бири томонидан улар кўрсатган суммага акциялар сотиб олиш хоҳиши тўғрисида 5-иловага мувофиқ шакл бўйича меҳнат жамоаси аъзоларининг имзолаш варакаси тақдим этилади.

Комиссия томонидан шунингдек меҳнат жамоасининг қонун хужжатларига мувофиқ имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлган аъзолари рўйхати ҳам тақдим этилади.

28. Комиссия иш олиб боришининг умумий муддати Комиссия тузилган вақтдан бошлаб икки ойдан ошмаслиги керак.

+

**IV. Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) түғрисида
қарор қабул қилиш**

29. Комиссия тақдим этган материаллар ва хужжатлар кўриб чиқилгандан кейин Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси бир ҳафта муддатда куйидаги қарорлардан биттасини қабул қиласди:

Қайтариш сабабларини кўрсатган ва хужжатларни тақорорий тақдим этиш муддатини белгилаган ҳолда хужжатларни Комиссияга пухталаштириш учун қайтаради, хужжатларни тақорорий тақдим этиш муддати улар қайтарилиган вақтдан бошлаб 10 кундан ошмаслиги керак. Агар Комиссия томонидан хужжатлар тақорорий тақдим этилганда уларда давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш түғрисида қарор қабул қилишга имкон бермайдиган жиддий камчиликлар топилса, Комиссия тарқатиб юборилади ва янги Комиссия тузилади;

давлат тасаруфидан чиқарилаётган (хусусийлаштираётган) корхона (объект)ни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилот билан шартнома тузади. Бунда Давлат мулки қўмитаси баҳоловчи ташкилотга Комиссия томонидан тайёрланган зарур хужжатларни тақдим этади.

Корхона (объект)ни баҳолаш бўйича баҳоловчи ташкилотнинг хulosаси ва Комиссия томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида Давлат мулки қўмитаси ёки худудий бошқарма корхона (объект)ни давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) түғрисида буйруқ чиқаради.

Корхонани акциядорлик жамиятига айлантиришда буйруқ билан айни бир вақтда намунавий уставга ва эмиссия проспектига мувофик тузилган устав ва эмиссия проспекти тасдиқланади. Корхона масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятга айлантирилганда айни бир вақтда устав ва давлатнинг мулкида сақланиб қоладиган ва инвесторларга сотиладиган устав фондидағи улуш тасдиқланади.

30. Буйруқ, устав, эмиссия проспекти (чиқариш түғрисидаги ахборот) Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси ваколатли раҳбари томонидан имзоланади (тасдиқланади), қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади, тарқатилади ва сақланади.

31. Буйрукни бажариш:

хўжалик жамиятини ёки бошқа ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича — унинг раҳбарига;

корхона хўжалик жамиятига айлантирилганда объектларни тўлиқ, устав фондидан улушларни (акцияларни), шу жумладан меҳнат жамоаси аъзоларига сотиш, бошқарув органларини шакллантириши ташкил этиш бўйича — Давлат мулки қўмитасининг аниқ ходимларига юкланди.

32. Давлат корхоналари негизида ташкил этилган хўжалик жамиятларида мавжуд бошқарув органлари улар қайта сайлангунгача (қайта тайинлангунгача) фаолиятини давом эттиришади.

**V. Давлат активини баҳолаш ва унинг бошлангич (дастлабки)
нархини белгилаш**

33. Давлат активлари қийматини баҳолаш баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳолайдиган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

34. Давлат активларининг қийматини баҳолаш хатлов натижалари бўйича

корхонанинг мавжуд мол-мулки ва унинг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб Мол-мulkни баҳолаш миллий стандартларига мувофиқ белгиланади.

Баҳолаш, қоидага кўра, уч усул билан, яъни харажатли, даромадли, қиёсий сотоввлар билан амалга оширилади. Баҳолашнинг уч усулидан бирини қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда баҳоловчи у ёки бу усулни қўллаш рад этилишини зарур равишда асослаши керак.

Давлат активларининг баҳолаш қиймати миллий валютада белгиланади. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотища тендер савдолари ўтиказиши давлат комиссиясининг қарорига кўра сотиладиган давлат активлари бўйича баҳолаш қиймати айни вақтда баҳолаш ўтизилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича АҚШ долларида қайд килинган ҳолда белгиланади.

35. Харажатли усулни қўллашда баҳоланадиган мол-мulkнинг таркибиға қўйидагилар киритилади:

корхона балансида бўлган ва хатлов натижасида аниқланган барча асосий воситалар, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ҳам ишлаб турган (вақтинча мукаммал таъмирлашда ва модернизацияда бўлган обьектлар, қурилиши тугалланмаган обьектлар ҳам шу жумлага киради), ҳам консервацияда, заҳирада ёки резервда бўлган (ўрнатилмаган асбоб-ускуналар), ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, иш моллари ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик дараҳтлар ва асосий воситаларнинг бошқа турлари, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотларга фойдаланишга, ижарага берилган асосий воситалар;

корхона (объект) ер участкалари билан биргаликда давлат тасарруфидан чиқарилганда (хусусийлаштирилганда) — давлат тасарруфидан чиқариладиган (хусусийлаштириладиган корхона (объект) жойлашган ҳамда бинолар ва ишоотларга туташиб кетган ер участкалари, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари;

бошқа узок муддатли активлар, шу жумладан номоддий активлар;
айланма активлар;
бошқа активлар.

Мол-мulkни харажатли усулда баҳолаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) ишга тушириш ёки сотиб олиш вақтида дастлабки қийматдан келиб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 18 июнданги 293-сон, 1993 йил 1 июндаги 261-сон, 1994 йил 28 ноябрдаги 572-сон, 2000 йил 26 декабрдаги 500-сон ва 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорларига мувофиқ индексация коэффицентлари хисобга олинган ҳолда қайта хисоблаб чиқилган асосий фонdlарнинг баланс қиймати белгиланади;

2) асосий фонdlарнинг қийматини тайёрловчи заводлар нархларига, прейскурантлар, прайс-вараклар ва бошқаларга мувофиқ бўлгунгача қайта баҳолаш йўли билан ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фонdlарни сўнгги қайta баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фонdlар қиймати қимматлашиши коэффицентларини қўллаш йўли билан асосий фонdlарнинг амалдаги нархлардаги (бозор нархларидан юқори бўлмаган) тиклаш қиймати аниқланади.

10 фоиздан камроқ қолдик қийматга эга бўлган асосий фонdlар бўйича устав фондига уларнинг амалдаги нархлардаги тиклаш қийматининг 10 фоизи микдорига қиймати киритилади.

Автотранспорт воситаларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат автомототранспорт воситаларини сотиш тартиби тўғрисида» 1994 йил 28 сентябрдаги 489-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

3) 1997 йил 1 январгача амал қилган ва 1997 йил 1 январдан кейин жорий этилган асосий фондларни тұлық тиклашга ва улардан фойдаланиш муддатларига белгиланған тегишли амортизация нормаларидан келиб чиқиб асосий фондларнинг эскириши ҳажми белгиланади. Ишчи комиссиянинг карорига күра эскириш дарајаси асосий фондларнинг дастлабки истеъмол қийматлари йўқолиши даражасига караб аниқлаштирилиши мумкин;

4) амалдаги нархларда тиклаш қиймати билан фойдаланиш давридаги муайян норматив эскириш ҳажми ўртасидаги тафовут сифатида амалдаги нархларда асосий фондларнинг қолдик қиймати аниқланади. Асосий фондларни баҳолаш далолатномаси 6-иловага мувофиқ тузилади;

5) ижтимоий инфратузилма объектларини баҳолаш далолатномаси 7-иловага мувофиқ тузилади;

6) капитал қўйилмаларни (тугалланмаган қурилиш ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни) баҳолаш далолатномалари 8 ва 9-иловаларга мувофиқ баҳолаш пайтида амалда бўлган нархларда тузилади;

7) корхонанинг охирги (баҳолаш санасидаги) ҳисобот бухгалтерия баланси маълумотлари ёки хатлаш маълумотлари асосида айланма активлар қиймати (ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар, дебиторлик қарзлар), шунингдек корхонанинг мажбуриятлари (узок муддатли ва қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар, аванслар, кредиторлик қарзлар) аниқланади;

8) ер участкаларидан (конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини хусусийлаштиришда ер участкаси қийматини баҳолаш), ер ости бойликларидан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуки қиймати баҳоланади, унинг натижалари 10-иловага мувофиқ шакл бўйича далолатномада акс эттирилади. Хусусийлаштириладиган корхона (объект) жойлашган ва бинолар ва иншоотларга туташиб кетган ер участкасини баҳолаш факат конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бозор нархлари бўйича амалга оширилади;

9) айланма воситаларга тегишли бўлган товар-моддий бойликлар, шунингдек арzonбахо ва тез эскирадиган буюмлар амалдаги улгуржи ёки чакана нархларда баҳоланади. Бойликларнинг айrim турларига янги нархлар ҳисобга олинган ҳолда уларнинг қиймати аниқлаштирилади.

36. Баҳолаш натижалари бўйича 11-иловага мувофиқ мол-мулкни баҳолаш йиғма далолатномаси тузилади.

37. Баҳолашнинг иккιва ундан ортиқ усули қўлланилганда баҳоловчи ташкилот Давлат мулки қўмитасига давлат активлари қийматини баҳолаш бўйича олинган барча натижаларни тақдим этади, улар асосида Давлат мулки қўмитаси (давлат ва ҳўжалик бошқаруви Республика органлари тизимиға кирадиган корхоналар бўйича) ёки унинг худудий органи (бошқа корхоналар бўйича) буйруғига кўра корхонанинг қиймати, устав фонди миқдори ва бошқа давлат активлари миқдори тайинланади.

Давлат активларини баҳолаш қиймати, устав фондининг тайинланадиган миқдори мазкур Низомнинг 34-бандида назарда тутилган қўлланилган баҳолаш усуллари натижалари бўйича олинган энг юкори баҳолаш қийматидан паст бўлиши мумкин эмас.

38. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармасининг қарорига кўра, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, корхоналар (объектлар)ни ва (ёки) давлатга тегишли акциялар, улушлар ва мулкий пайларни сотиш тўловни бўлиб бўлиб тўлаш шартномаси бўйича (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) амалга оширилиши мумкин.

VI. Корхоналарни сотишдан олдин тайёрлаш

39. Корхона ва бошқа давлат активларини сотишдан олдин тайёрлаш корхонанинг барқарор молиявий-иктисодий ҳолатини таъминлашни, асосий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган мол-мулк ва асбоб-ускуналарни қисқартиришни, потенциал инвесторга сотиш учун корхонанинг инвестиция жалб этувчанлиги ва ликвидилигини оширишни назарда тутади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига киритилган корхоналар сотишдан олдин тайёрланиши мумкин.

Якка тартибдаги лойиха бўйича хусусийлаштирилаётган корхонани сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги қарор давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссияси томонидан, хусусийлаштириш дастурига киритилган бошқа корхоналарни сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги қарор - таркиби га хусусийлаштириладиган корхона кирадиган давлат ёки хўжалик бошқарувининг тегишли органи ёки у юритишига кирадиган жойлардаги маҳаллий ҳокимият органи билан келишув бўйича давлат мулки қўмитаси ҳайъати томонидан қабул қилиниши мумкин.

Сотишдан олдин тайёрлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

—

хусусийлаштирилаётган корхона фаолиятини комплекс ўрганиш (диагностик текшириш), бу ишлаб чиқаришни бошқариш тизими, молиявий ҳолатини, шерикларнинг таркибини, рақобатчиларни, инвесторларни ва ҳоказоларни ўрганиб чиқиши ўз ичига олади;

+

корхона фаолияти самарадорлигини ва унинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни (ташкилий, иктиносий, молиявий ва ҳоказо) ишлаб чиқиш;

тасдиқланган тадбирлар бажарилишининг доимий мониторингини олиб бориш.

40. Давлат мулки қўмитаси билан тузиладиган шартномалар асосида ихтисослаштирилган молиявий, техник ташкилотлар ва мустақил маслаҳатчилар сифатидаги бошқа ташкилотлар бевосита корхонада ишлаб олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда корхона фаолиятини (бошқарув тизими, ишлаб чиқарышнинг ҳолати, маркетинг, молия-хўжалик фаолияти, малакали кадрлар билан таъминлаш) ўрганиб чиқади ва хусусийлаштириш дастурида белгиланган давлат активларини сотиш муддати тамом бўлишидан камида бир ой олдин тўлиқ бажарилишини назарда тутадиган корхонани сотишдан олдин тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлайди.

Диагностик текшириш, корхонанинг инвестиция жалб этувчанлигини баҳолаш натижалари ва чора-тадбирлар режаси давлат мулки қўмитаси, таркиби га мазкур корхона кирадиган давлат ёки хўжалик бошқарувини, корхонанинг бошқарув органи вакиллари ва корхонани сотишдан олдин тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишида қатнашган мустақил маслаҳатчилар иштирокида муҳокама қилинади, сотишдан олдин тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси лойихаси аниқлаштирилади. Муҳокама баённомаси чора-тадбирлар режаси лойихаси билан биргаликда давлат мулки қўмитасига ва давлат ёки хўжалик бошқарувини организма тақдим этилади.

41. Якка тартибдаги лойиха бўйича хусусийлаштирилаётган корхонани сотишдан олдин тайёрлаш чора-тадбирлари режаси давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссияси томонидан, бошқа корхоналар бўйича — Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Зарурият бўлганда чора-тадбирлар режаси Вазирлар Махкамаси тақдим этилади.

масининг тегишли Комплекси раҳбари, хусусийлаштириладиган корхона таркибига кирадиган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи ёки у юритишига тегишли бўлган маҳаллий ҳокимият органи билан келишилиши мумкин.

Корхона раҳбари ва корхона таркибига кирадиган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи чора-тадбирлар режасида назарда тутилган вазифалар зарур даражада бажарилиши учун масъул хисобланади.

42. Якка тартибдаги лойиха бўйича хусусийлаштириладиган корхонани сотишдан олдин тайёрлаш бўйича мустақил маслаҳатчилар хизматларига ҳақ тўлаш Давлат мулки қўмитаси, корхона ва жалб этиладиган ихтисослаштирилган ташкилот билан уч томонлама шартнома асосида, Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан белгиланган шартларда, бошқа корхоналарни сотишдан олдин тайёрлаш бўйича мустақил маслаҳатчилар хизматларига ҳақ тўлаш Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган шартларда корхона маблағларидан тўланади. Корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаган тақдирда ушбу сумма Давлат мулки қўмитаси томонидан давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлардан тўланади ҳамда ушбу сумма кейинчалик корхона томонидан қопланади.

43. Тасдиқланган чора-тадбирлар бажарилиши мониторинги корхонани сотишдан олдин тайёрлаш бўйича аник чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишида қатнашган мустақил маслаҳатчилар иштирокида доимий асосда Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади. Мустақил маслаҳатчилар вақти-вақти билан Давлат мулки қўмитасига чора-тадбирлар бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

44. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарни сотишдан олдин тайёрлаш тадбирларига Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг қарори билан белгиланган чора-тадбирлар киритилади.

VII. Давлат активларини сотиш

45. Давлат активларини (мол-мулк, акциялар, улушларни) сотиш Ҳукуматнинг қарорлари билан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ биржа ёки биржадан ташқари савдоларда — кимошли, танлов (тендер) савдоларида ёки тўғридан-тўғри музокарапалар натижалари бўйича сотиш йўли билан амалга оширилади.

46. Корхоналарнинг давлат активларини инвесторларга сотиш шартлари ва усусларини тасдиқлаш, шунингдек оммавий танлов (тендер) савдолари асосида сотиладиган корхоналарнинг давлат активларини сотиб олишга талабгорларнинг энг фойдали таклифларини танлаш Давлат мулки қўмитаси (ёки унинг худудий бошқармаси) томонидан амалга оширилади, Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси қарори асосида сотиладиган объектлар бундан мустасно.

47. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдолари ўтказиш давлат комиссияси қарори бўйича сотиладиган корхонани (мол-мулк, улушлар, пайлар, акцияларни) мамлакат инвесторларига сотишда таклифнинг нархи АҚШ долларида белгиланган баҳолаш қийматини танлов (тендер) эълон қилинган пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларга қайта хисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади. Бунда сотиш нархига белгиланган тартибда тузатиш киритилиши мумкин.

48. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларига туташиб кетган ер участкаларини хусусийлаштириш (сотиш) хусусийлаштирилаётган ёки давлат тасарруфидан чиқарилётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун қатъий зарур бўлган миқдорларда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкалари миқдорини белгилаш белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитаси ёки у томонидан шартнома асосида жалб этиладиган мустақил маслаҳатчилар томонидан, улар фаолиятига хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлардан ҳақ тўланган холда амалга оширилади. Ушбу сарф-харажатлар кейинчалик сотишдан олинган тушумдан маблағлар хисобига қопланади.

49. Объектларни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул сотиш Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Паст рентабелли, зарар кўриб ишлётган, иқтисодий ночор корхоналарни, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

ВIII. Давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига айлантиришда ва давлат активларини биржадан ташқари савдоларда сотишда шартномалар тузиш

— +
50. Давлат мулки обьектини хўжалик жамиятига айлантиришда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси билан акциядорлар (қатнашчилар) ваколат берган шахс (кузатувчи кенгаш раиси ёки ижро этувчи орган раҳбари) ўртасида ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги шартнома-битим тузилиши мумкин.

Шартнома-битимда:

муайян даврда корхона фаолияти соҳасини ва ишлаб чиқариш, маҳсулот экспортининг келишилган ҳажмларини сақлаб қолиш шартлари;
иш ўринлари сонини ўзгартириш шартлари;
муайян истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш;
экология хавфсизлигини таъминлаш, ишловчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
ходимларнинг ижтимоий-маиший таъминоти хусусиятлари;
ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш обьектларини сақлаш шартлари акс этирилиши мумкин.

51. Акциялар пакетлари (улушлар)ни, обьектларни биржа савдоларида сотиша олди-сотдининг биржа битишуви олди-сотди шартномасига тенглаштирилади.

52. Биржадан ташқари савдолар ўтказиш натижалари бўйича давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бир томондан Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси ва иккинчи томондан харидор ўртасида тузилади.

Олди-сотди шартномаси тузилган санасидан бошлаб кучга киради.

53. Олди-сотди шартномасида куйидаги маълумотлар ва шартлар мажбурий тартибда акс этирилиши керак:

томонларнинг номи ва манзили;
мазкур битишивни содир этиш учун асос (Хукумат қарори, Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси, Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси буйруғи, ўтказилган биржадан ташқари савдолар натижалари);

сотиладиган давлат активининг тури (номи, тавсифи), миқдори, нархи; сотиб олиш тўловини амалга ошириш миқдори, валютаси, шартлари ва тартиби, шунингдек муддатлари;

томонларнинг мажбуриятлари, шу жумладан сотиладиган активларга мулк хукуқининг сотовчидан харидорга ўтиши шартлари, тартиби ва изчилиги, шу жумладан мулк хукуқига далолатнома бериш;

шартнома бўйича қабул қилинадиган мажбуриятлар ўз вактида бажарилмаганинига ва/ёки бажарилмаганинига учун томонларнинг жавобгарлиги, жарима жазоларини тўлаш миқдори ва шартлари;

низоларни ҳал этиш тартиби, шартномани бекор қилиш шартлари, қўлланиладиган хукуқ, форс-мажор холатларни аниқлаш ва бундай холатларда иш кўриш тартиби, шартноманинг тили, нусхалари сони, унга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш шартлари, шартноманинг кучга кириши;

тomonларнинг кафолатлари сифатида илова.

Шартномада зарурят бўлганда:

харидор томонидан қабул қилинадиган инвестиция мажбуриятларининг ҳажми (пул ифодасида), умумий мазмуни, шартлари, амалга ошириш изчилиги ва муддатлари;

тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш даврида инвестор томонидан сотиб олинаётган молмулк (акциялар, улушлар)дан фойдаланиш ва инвестиция мажбуриятлари бажарилиши шартлари;

инвестиция мажбуриятлари амалга оширилишининг батафсил дастури (режижадвали)ни тайёрлаш ва харидор томонидан келишиш учун сотовчига тақдим этиш муддати, унинг бажарилиши мониторинги, харидор томонидан корхона фаолияти ихтисоси сақлаб қолинишининг энг кам даври ва ижтимоий муҳофаза;

инвестиция мажбуриятларининг асосий бандлари мазмунининг тавсифи, унинг харидор томонидан бажарилиши муддатлари, инвестиция мажбуриятлари амалга оширилиши ҳолати тасдиқланиши тартиби ва шартлари.

Инвестор томонидан корхона тўлиқ ёки акциялар (улушлар, пайлар)нинг назорат пакети сотиб олинганда олди-сотди шартномасига мазкур Низомнинг 50-бандида баён қилинган шартлар киритилиши мумкин.

54. Давлат мулки қўмитаси (унинг худудий бошқармаси) хусусийлаштиришдан маблағлар тушиши, янги мулкдорлар томонидан инвестиция мажбуриятлари муддатлари сўзсиз бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб боради.

55. Тузиладиган олди-сотди шартномаларида белгилangan сотиб олиш тўловлари ва инвестиция мажбуриятлари инвесторлар томонидан бажарилмаган тақдирда Давлат мулки қўмитаси инвестордан жарима ундириш чораларини кўради ёки бир томонлами тартибда белгилangan тартибда шартномани бекор қилиш ташабbusi билан чиқади. Жарима жазолари миқдори ва шартномани бекор қилиш шартномаларда кўрсатилади.

Сотиб олаётган давлат активлари учун тўловни хорижий валютада амалга оширган инвестор билан тузилган давлат активларининг олди-сотди шартномаси бекор қилинган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ қайтариладиган маблағлар (тегишли жарима санкциялари маблағи ушлаб қолингандан кейин) инвесторнинг розилигига кўра Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, уларни ўтказилиши мумкин.

+

-

IX. Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этиладиган хўжалик жамиятларини таъсис этиш хусусиятлари

56. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш натижасида барпо этиладиган хўжалик жамиятларининг муассислари бўладилар.

57. Корхонани хўжалик жамиятига айлантиришда бошқарув органларини сайдаш (тайинлаш) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

58. Давлат мулки обьекти негизида янгидан ташкил этилган хўжалик жамияти давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) пайтида корхонада мавжуд бўлган барча хукуқ ва мажбуриятларнинг, шу жумладан, агар таъсис хужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ер, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқининг хукуқий вориси хисобланади.

59. Корхона хўжалик жамиятига айлантирилганда уни давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис хужжатлари тақдим этилгандан кейин рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан қонун хужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Мазкур Низомга мувофиқ таъсис этилган хўжалик жамиятларини рўйхатдан ўтказишда рўйхатдан ўтказиш йифимлари ва бошқа тўловлар ундирилмайди. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига йўл кўйилмайди.

Акциядорлик жамиятининг рўйхатдан ўтказилган ҳамда нотариал тасдиқланган устави нусхаси унинг раҳбари томонидан Кимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) юборилади.

60. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан корхонани хусусийлаштириш режаси тасдиқланиши уни очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарор, эмиссия проспектини тасдиқлаш эса — акциялар чиқариш (эмиссия) тўғрисидаги қарор хисобланади.

61. Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида эмиссия қилинган акциялар белгиланган тартибда янги мулкдорга сотилгунга қадар бирламчи жойлаштирилган давлат активлари хисобланади.

62. Корхонани қайта ўзгартириш тўғрисидаги буйруқ, эмиссия проспекти (акциялар чиқариш сўровномаси) улар имзолангандан ва тасдиқлангандан кейин 3 кун муддатда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан қимматли қофозлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш учун Марказга юборилади.

63. Марказ қонун хужжатларида белгиланган муддатларда хужжатларнинг тўлиқ туркуми олингандан кейин:

қимматли қофозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказади;

нақд чиқарилган холларда акциялар намуналари (эскизлари)ни тасдиқлайди;

давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, рақами кўрсатилган ва «Рўйхатдан ўтказилди» деган белги кўйилиб, ип ўтказиб тикилган ва ўз муҳри билан тасдиқланган эмиссия проспектининг бир нусхасини акциядорлик жамиятига беради;

эмиссия проспектининг иккинчи нусхасини Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармасининг корхонани қайта ўзгартириш тўғрисидаги буйруғи нусхаси билан биргаликда қимматли қофозлар чиқарилишини хисобга олиш учун Марказий депозитарийга беради.

64. Бирламчи эмиссия (акциялар чиқарилиши) проспектлари (чиқариш сўровномалари) Марказ томонидан текин рўйхатдан ўтказилади.

65. Марказий депозитарий мазкур Низомнинг 63-бандида санаб ўтилган хуж-

жатлар олингандан кейин уч кун муддатда акцияларнинг эмиссия проспекти (чиқариш сўровномалари) тавсифини тузади ва эмиссия қилинаётган акцияларни ҳисобга олади. Давлатга тегишли акциялар билан операциялар бўйича Марказий депозитарий хизматларига ва уларни сақлаш учун ҳақ тўлаш давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)дан тушган маблағлар ҳисобига Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади.

66. Агар эмиссия проспектида акцияларни маҳсус бланкалар (нақд шаклда) шаклида чиқариш назарда тутилса, уларни тайёрлашга Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш)дан тушган маблағлар ҳисобига ҳақ тўланади. Бунда уларни чиқариш муддати, шу жумладан Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган матбаба корхоналари томонидан тайёрлаш ҳам шу жумлага киради, Марказий депозитарийга сақлаш учун бериш эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

67. Акцияларни меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида тарқатиш акцияларнинг эмиссия проспектига (чиқариш сўровномасига) мувофиқ, шунингдек Давлат мулки қўмитаси (унинг ҳудудий бошқармаси) буйруғи билан (буйруқда акцияларни ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган меҳнат жамоаси айрим аъзоларига берилган имтиёзлар кўрсатилади, бирок бу муддат бир йилдан ортиқ бўлмаслиги керак) Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилади (буйруқка илова қилинадиган рўйхатга мувофиқ).



Х. Мулкка эгалик қилиш ҳукуқини тасдиқловчи далолатномани бериш тартиби



68. Давлат тасарруфидан чиқарилган (хусусийлаштирилган) мол-мулкка эгалик қилиш ҳукуқининг жорий этилиши янги мулкдор (мулкдорлар) Давлат мулки қўмитаси томонидан бериладиган далолатномани олган пайтдан бошлаб амалга оширилади.

69. Далолатнома бланкаси 12-иловага мувофиқ белгиланган шакл бўйича маҳсус қофзода тайёрланади, тартиб рақамига эга бўлади ва қатъий ҳисобда турадиган хужжат ҳисобланади.

70. Далолатнома 5 кундан кўп бўлмаган муддатда:

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган акциядорлик жамиятига —бошқарув органлари тузилгандан кейин;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятга ёки ширкатга — инвесторлар томонидан ушбу мақсадлар учун мўлжалланган жамият (ширкат) шакллантирилган устав фонди улушлари сотиб олингандан ва бошқарув органлари тузилгандан кейин;

корхона (объект)ни сотиб олган инвесторга — у мол-мулкнинг сотув қийматини тўлиқ тўлагандан кейин берилади, тузилган битишув нархига кирган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши ҳам шу жумлага киради.

71. Мол-мулк тўлов бўлиб-бўлиб тўланган ҳолда сотилганда давлат далолатномаси тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ инвестор томонидан барча мажбуриятлар бажарилгандан кейин берилади.

72. Давлат тасарруфидан чиқарилган (хусусийлаштирилган) мол-мулк (унинг бир қисми) ўзгага берилиши натижасида мулкдор ўзгарган тақдирда ўзгага берилган мол-мулкка янги давлат далолатномаси берилмайди.

73. Давлат мулки обьекти ким ошди савдосида ёхуд танлов (тендер) натижалари бўйича сотиб олинган тақдирда давлат далолатномаси Давлат мулки қўмитаси томонидан олди-сотди шартномаси ва битишув шартларига мувофиқ харидор томонидан сотиб олинаётган мол-мulkнинг қийматини тўлаш бўйича барча мажбуриятлар бажарилганини түғрисида тасдиқнома тақдим этилиши асосида берилади.

74. Далолатнома берилганини учун янги мулкдор томонидан (акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналардан ташқари) далолатнома бериш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Давлат мулки бўлган обьектларни давлат
тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-
риш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(Давлат мулки қўмитаси худудий бошқармасининг номи)

**Рўйхатдан ўтказиш №
____ йил «____» _____**

**Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) учун
Б У Ю Р Т М А Н О М А**

— Кўйидаги манзилда жойлашган _____
_____ (манзил, телефон, факс)

+

корхона (объект)ни _____
_____ (корхона ёки обьектнинг номи)

га

(таклиф қилинаётган шакл — АЖ, масъулияти чекланган ёки кўшумча масъулиятли жамият)

айлантириш, ер участкаси билан биргаликда, ер участкасиз сотиши тўғрисида қарор қабул қилишингизни сўрайман.
(кераксизи ўчириб қўйилсин)

Идоравий мансублиги: _____
Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар:

(нодавлат юридик шахснинг номи)

(манзил, телефон, факс)

(рўйхатдан ўтказиш раками ва давлат рўйхатидан ўтган санаси)

(ташкилий-хукукий шакли)

(устав фондидаги давлат улуши, %ларда)

Буюртманомани имзолашга вакил қилинган шахс _____
_____ (Ф.И.О., лавозими)

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

(имзо)
____ йил «____» _____

M. ў.

Изоҳ: Хужжатни тўлдиришда тузатиш ва ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди.

Давлат мулки бўлган обьектларни давлат
тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-
риш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(Давлат мулки қўмитаси худудий бошкармасининг номи)

Рўйхатдан ўтказиш №
____ йил «____» _____

**Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) учун
Б У Ю Р Т М А Н О М А**

Кўйидаги манзилда жойлашган _____
(манзил, телефон, факс)

+

-

(корхона ёки обьектнинг номи)

га

(таклиф қилинаётган шакл — АЖ, масъулияти чекланган ёки кўшимчча масъулиятилди жамият)

айлантириш, ер участкаси билан биргаликда, ер участкасиз сотиш тўғрисида қарор
қабул қилишингизни сўрайман.
(кераксизи ўчириб қўйилсин)

Идоравий мансублиги: _____
Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар:

(жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

(манзил, телефон, факс)

(паспортнинг серияси, раками, ким томонидан ва қачон берилган)

(имзо)
____ йил «____» _____

Изоҳ: Хужжатни тўлдиришда тузатиш ва ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

(Давлат мулки қўмитаси худудий бошкармасининг номи)

Рўйхатдан ўтказиш №

____ йил «____» _____

**Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) учун
Б У Ю Р Т М А Н О М А**

Кўйидаги манзилда жойлашган _____
(манзил, телефон, факс)

(корхона ёки обьектнинг номи)

_____ га
(таклиф килинаётган шакл — АЖ, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият)
айлантириш, ер участкаси билан биргаликда, ер участкасиз сотиш тўғрисида қарор
қабул қилингизни сўрайман.
(кераксизи ўчириб қўйилсин)

— Идоравий мансублиги: _____
Ариза берувчи:

(корхонанинг меҳнат жамоаси)

Буюртманомани имзолашга вакил қилинган шахс _____
(Ф.И.О., лавозими)

____ йил «____» _____

М.Ў.

Изоҳ: Хужжатни тўлдиришда тузатиш ва ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

(Давлат мулки қўмитаси худудий бошкармасининг номи)

Рўйхатдан ўтказиш №

ЙИЛ «____» _____

**Хусусийлаштирилаётган корхонада улушни сотиб олишга
Б У Ю Р Т М А Н О М А**

Қуидаги манзилда жойлашган _____
(манзил, телефон, факс)

хусусийлаштирилаётган _____
(корхонанинг номи)
_____ %
(сотиб олинаётган улуш микдори)

(улушлар ва акциялар 35 фоиздан ортиқ сотиб олинган тақдирда монополияга карши курашиб органининг розилиги, карорнинг раками ва санаси)
улушни сотиш тўғрисида қарор қабул қилишингизни сўрайман.

+

Идоравий мансублиги: _____
Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар:

(нодавлат юридик шахснинг номи)

(манзил, телефон, факс)

(рўйхатдан ўтказиш раками ва давлат рўйхатидан ўтган санаси)

(ташкилий-хукукий шакли)

(устав фондидаги давлат улуси, %ларда)

Буюртманомани имзолашга вакил қилинган шахс _____
(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

ЙИЛ «____» _____

М.Ў.

Изоҳ: Хужжатни тўлдиришда тузатиш ва ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
4а-ИЛОВА

(Давлат мулки қўмитаси худудий бошкармасининг номи)

**Рўйхатдан ўтказиш №
ЙИЛ «___» _____**

**Хусусийлаштирилаётган корхонада улушни сотиб олишга
Б У Ю Р Т М А Н О М А**

Қуидаги манзилда жойлашган _____
(манзил, телефон, факс)

(корхонанинг номи)

_____ %
(сотиб олинаётган улуш микдори)

(улушлар ва акциялар 35 фоиздан ортиқ сотиб олинган тақдирда монополияга қарши курашиб органининг розилиги, карорнинг раками ва санаси)
улушни сотиши тўғрисида қарор қабул қилишингизни сўрайман.

— Идоравий мансублиги: _____
Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар:

(жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

(манзил, телефон, факс)

(паспорт серияси, раками, ким томонидан ва қачон берилган)

(имзо)

_____ ЙИЛ «___» _____

Изоҳ: Хужжатни тўлдиришда тузатиш ва ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Эмиссия қилинган акцияларнинг бир қисмини ўз маблағлари
ҳисобига номинал қиймати бўйича сотиб олиш хоҳишини
билдирган давлат тасарруфидан чиқарилган
(хусусийлаштирилган) корхонанинг меҳнат жамоаси
аъзоларининг имзолаш варақаси**

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Иш стажи, йил	Номинал қиймати бўйича сотиб олинадиган акцияларнинг умумий қиймати, сўм
1	2	3	4	5

+

-

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Асосий фондларни хатлаш ва баҳолаш қийматини аниқлаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

(корхонанинг номи)

_____ йил «____» _____ даги ҳолатига кўра амалдаги нархларда

Т/р	Инв. №	Хатлов объектининг номи, техник тавсифи	Фойдаланишга төпшириш санаси йил ва ой	Дастлабки баланс қиймати, минг сўм	Асосий фондлар амортизацияси бўйича ҳисоб-китоблар				
					Шифр	Норма		Фойд. муддати, йил	Эскириш, %
						1997 йил 1 январгача	1997 йил 1 январдан		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									

Жадвалнинг давоми

Эскириш, минг сўм	Қолдиқ қиймат, минг сўм гр. 5 - гр. 11	Статистика органларига тақдим етиладиган баҳолаш санасидаги қайта ҳисоблаш коэффициентлари	Амалдаги нархларда тикланадиган қиймат, минг сўм гр. 5 – гр. 13	Амалдаги нархларда баҳолаш қиймати (қайта ҳисоблаш коэффициентини ва амортизацияланган асосий фондларни тўлиқ баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қолдиқ қиймат) минг сўм
11	12	13	14	15

Ҳаммаси:

Баҳоловчи компания рахбари _____

Изоҳ. 1—12-устунлар комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланган хатловдан ўтказиш далолатномалари асосида тўлдирилади.

+

+

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўррисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш
объектларини хатлаш ва баҳолаш қийматини аниқлаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

(корхонанинг номи)

____ йил «____» даги холатига кўра амалдаги нархларда

Т/р	Инв. №	Хатлов объектининг номи, техник тавсифи	Фойдаланишга топшириш санаси йил ва ой	Дастлабки баланс қиймати, минг сўм	Асосий фондлар амортизацияси бўйича ҳисоб-китоблар				
					Шифр	Норма		Фойдаланиш муддати, йил	Эскириш, %
						1997 йил 1 январгача	1997 йил 1 январдан		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									

Жадвалнинг давоми

Эскириш, минг сўм	Қолдиқ қиймат, минг сўм гр. 5 - гр. 11	Статистика органларига тақдим этиладиган баҳолаш санасидаги қайта ҳисоблаш коэффициентлари	Амалдаги нархларда тикланадиган қиймат, минг сўм гр. 5 – гр. 13	Амалдаги нархларда баҳолаш қиймати (қайта ҳисоблаш коэффициентини ва амортизацияланган асосий фондларни тўлиқ баҳолашни ҳисобга олган холдаги қолдиқ қиймат) минг сўм
11	12	13	14	15

Ҳаммаси:

Баҳоловчи компания рахбари _____

Изоҳ. 1—12-устунлар комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланган хатловдан ўтказиш далолатномалари асосида тўлдирилади.

Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Тугалланмаган қурилишни хатлаш ва баҳолаш
Д А Л О Л А Т Н О М А С И**

_____ йил «____» _____ даги ҳолатига кўра амалдаги нархларда

Йил 1	Харажатлар ҳажми, минг рублда, сўм- купонда, сўмда 2	Асос (бажарилган ишлар далолатномаси, тартиб рақамлари ва санаси) 3	Баланс қиймати		Амалдаги нархларда баҳолаш қиймати, минг сўм 6
			Қайта ҳисоблаш коэффициенти 4	Сумма минг сўм 5	
1990 йилгача					
1991 йил					
1992 йил					
1993 йил					
1994 йил					
1995 йилдан баҳолаш санасигача					
Ҳаммаси:					

Баҳоловчи компания раҳбари _____

Изоҳ. 1—5-устунлар комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланган хатловдан ўтказиш далолатномалари асосида тўлдирилади.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни хатлаш ва баҳолаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

(корхонанинг номи)

_____ йил «____» _____ даги ҳолатига кўра амалдаги нархларда

T/p	Инв. №	Хатлов объектининг номи, техник тавсифи	Дастлабки баланс қиймати, минг сўм	Статистика органларига тақдим этиладиган баҳолаш санасидаги қайта ҳисоблаш коэффициентлари	Амалдаги нархларда баҳолаш қиймати
1	2	3	4	5	6

Ҳаммаси:

+

Баҳоловчи компания раҳбари _____

-

Изоҳ. 1—5-устунлар комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзолангандан хатловдан ўтказиш далолатномалари асосида тўлдирилади.

Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Ер участкаси (ер участкалари, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқлари) қийматини баҳолаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Йил «___» даги холатга кўра амалдаги нархларда

Т/р	Табиий ресурсларнинг номи	Объектнинг жойлашган ўрни	Фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи давлат далолатномасининг реквизитлари (ишланмалар)	Кадастр тартиб рақами
1.	2.	3.	4.	5.
1.	Ер участкаси			
2.	Табиий ресурслар			
	а)			
	б)			
	в)			
3.	Ер ости бойликларидан фойдаланиш хукуки			

Жадвалнинг давоми

Ресурсларнинг техник кўрсаткичлари					Саноат заҳиралари қолдикларининг баҳолаш қиймати	Ер участкасининг қиймати (фойдаланиш хукуқи)
Контаркиби ва фойдали элементлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар	Разведка қилинган саноат заҳиралари	Саноат заҳиралари колдиги	Конларнинг жойлашиш параметрлари	Объектларнинг жойлашиш схемаси тўғрисидаги маълумотлар (кадастр хизмати маълумотлари бўйича)		
6	7	8	9	10	11	12

Ҳаммаси:

Баҳоловчи компанияя раҳбари _____

Изоҳ. 1—5-устунлар комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланган хатловдан ўтказишиш далолатномалари асосида тўлдирилади.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Корхона (объект) мол-мулкини баҳолаш ЙИФМА ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____ йил _____ даги ҳолатга кўра

минг сўм

T/р	Кўрсаткичларнинг номи	Микдор
I	Активлар	
1.	Ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш обьектларини ҳисобга олган ҳолда асосий фонdlарнинг амалдаги нархлардаги баҳолаш (қолдиқ) қиймати (асосий фонdlарни хатлаш ва уларнинг қолдиқ қийматини амалдаги нархларда аниқлаш далолатномаси).	
2.	Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати (баланс бўйича қабул қилинади).	
3. а) б)	Капитал қўйилмаларнинг амалдаги нархлардаги баҳолаш қиймати: Тугалланмаган қурилишнинг баҳолаш қиймати (тугалланмаган қурилишни хатлаш ва амалдаги нархларда баҳолаш далолатномаси); Ўрнатилмаган асбоб-ускунанинг баҳолаш қиймати (ўрнатилмаган асбоб-ускунани хатлаш ва амалдаги нархларда баҳолаш далолатномаси).	
4.	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ва инвестициялар (баланс бўйича қабул қилинади).	
5.	Бошқа узоқ муддатли активлар (баланс бўйича қабул қилинади).	
6.	Ер участкасининг қиймати (ер участкалари, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқи)	
7.	Айланма активлар (II бўлим — баланс активлари).	
	Активларнинг ҳаммаси.	
II	Пассивлар (корхонанинг мажбуриятлари)	
III	Ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш обьектларини ҳисобга олган ҳолда мол-мулкнинг амалдаги нархларда баҳолаш қиймати (I бўлим суммаси — II бўлим суммаси).	
IV	Ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофazaga қилиш обьектларининг қиймати (ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофazaga қилиш обьектlарini хатlaш va уларнинг қолдиқ қийmatini amaldagи нархlарda aniqlaш dalolatnomasi).	
V	Ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофazaga қилиш обьектlарinинг баҳolash қiymatini ҳisobga olmagan ҳolda mol-mulknинг баҳolash қiymati (III bўlim — V bўlim).	

Баҳоловчи компания раҳбари _____

Изоҳ: IV—VI бўлимлар ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофazaga қiliш obъektlari давлат тасаруфidan чиқariладиган (хусusiyлашtiриладigан) корхona (obъekt)ga foydalaniш учун berilgan xollardarда tўldiriлади.

Давлат мулки бўлган объектларни давлат
тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-
риш тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

ТИТУЛ ВАРАҚ

Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ
ДАВЛАТ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

—

+

(Ўзбекистон Республикаси Давлат байробги фонида
олтин босма харфлар билан ёзилади)

Далолатноманинг орқа томони

**МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ
ДАВЛАТ ДАЛОЛАТНОМАСИ № _____**

манзилда турувчи (яшовчи)

(юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг

— янги мулк эгасининг Ф.И.О.)

қиймати _____ бўлган
(сумма ёзув билан)

(давлат тасарруфидан чиқарилган ёки хусусийлаштирилган давлат мулки номи)

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи берилди.

Паспорт серияси _____ рақами _____
қачон ва ким томонидан берилган.

Хисоб-китоб рақами ва банк бўлими _____
Мазкур далолатнома _____
(мазкур далолатномани берган ташкилотнинг номи)

тomonидан _____ асосида берилди.
(далолатномани бериш асоси)

Ўзаро мажбуриятлар тўғрисида битим тузилди:
_____ йил «___» №_____

Далолатнома берилган ва рўйхатдан ўtkazilgan сана _____

Қўмита раиси (_____)
(Худудий бошқарма бошлиғи) (_____)
Ф.И.О.

М.ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 21 июлдаги 145-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартағи 119-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) ва қарорга 5-ило ва.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бир-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

хиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 25 октябрдаги 422-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 10-сон, 58-модда) 1-илованинг II бўлими 1-банди.

3. Вазирлар Махкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 марта даги 97-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 3-сон, 17-модда) 3-илованинг 9-банди.

4. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 317-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 9-сон, 50-модда) илованинг 4-банди.

5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 42-банди.

6. Вазирлар Махкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 4-сон, 30-модда) 6-илованинг 15-банди.

7. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 307-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 7-сон, 59-модда) 1-илованинг 4-банди.

8. Вазирлар Махкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 май 209-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 5-сон, 45-модда) 2-илованинг 3-банди.

9. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 8-сон, 43-модда) 2-илованинг 16-банди.

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

293 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоатлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоатлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда бинолар, иншоатлар ва якка тартибдаги уй-жойлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштиришни таъминлаш бўйича зарур ташкилий-хукукий чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлеклари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан биргаликда 2006 йил 1 декабргача бўлган муддатда:

ер участкаларининг ер тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаган ҳолда эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага берилган ер участкаларини;

якка тартибдаги уй-жой курилиши ер фондини шакллантириш, шу жумладан корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бўш турган ва самараисиз фойдаланилаётган ер майдонлари ҳисобига яратиш мақсадида, аҳоли яшаш пунктларидаги ер майдонларини, шунингдек уларга ёндош ҳудудларни хатловдан ўтказсинлар.

Хатловдан ўтказиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда, якка тартибдаги уй-жой мавзеларини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли яшаш пунктларининг бош режаларига, мухандислик инфратузилмаси схемаларига тузатишлар киритилсин.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан ер тўғрисидаги қонун хужжатларининг бузилишлари аниқланганда, қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ер участкалари олиб қўйилсин, кейинчалик улар ушбу участкаларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хоҳишини билдирган шахсларга берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2006 йил 1 декабргача бўлган муддатда ер фондининг иқтисодий зоналарини аниқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ер участкалари гаров таъминоти сифатида белгиланган тартибда банкларга ва бошқа кредит муассасаларига ўтган ҳолларда улар ушбу ер участкаларини мулк ҳукуки ўзларига ўтган вақтдан бошлаб олти ойдан кечик масдан сотувга қўйишлари шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 2006 йил 1 октябргача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштирилган ер участкаларига солиқ солиш, шунингдек ижарага берилган ер участкалари учун ижара тўлови миқдорлари юзасидан таклифлар киритсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 июль,
147-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

294 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармони)

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсан.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
149-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 27 июлдаги 149-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда):

- а) 1-илованинг 11-бандига қўйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсан:
- «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига қонун

хужжатларида назарда тутилган манбалардан тушаётган миллий валютадаги маблағларни Марказий банк томонидан хорижий валютага конвертация қилишда»;

б) 2-иловада:

10-банднинг охирги хатбошига «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушаётган миллий валютадаги маблағларни Марказий банк томонидан конвертация қилиш бундан мустасно» сўзлари кўшилсин;

25-бандга қўйидаги таҳрирдаги хатбоши кўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига қонун хужжатларида назарда тутилган манбалардан тушаётган миллий валютадаги маблағларни Марказий банк томонидан хорижий валютага конвертация қилиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши кўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 29-банднинг олтинчи хатбошига «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» сўзлари кўшилсин;

б) 31-бандга биринчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги янги хатбоши кўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси»;

иккинчи—тўққизинчи хатбоши тегишли равишда учинчи—ўнинчи хатбоши деб хисоблансин.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

295 Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июль,
150-сон

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 27 июлдаги 150-сон қарорига
ИЛОВА

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда Идоралараро кенгаш деб аталади) Ўзбекистон Республикаси ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятини унинг йўналишларига мувофиқ мувофиқлаштиришни амалга оширувчи коллегиал идоралараро орган ҳисобланади.

2. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Идоралараро кенгаш Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни, кутубхона шохобчаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

II. Идоралараро кенгашнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

4. Кўйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-кутубхона тизими ва миллий ахборот-кутубхона фонди фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилиши соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш;

тармоқлараро ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш, ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхона марказларини ва кутубхоналарни улар фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарнинг, кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиши тизимининг мақбул фаолият кўрсатиши бўйича, мамлакатимиз ва хориждаги илмий-ахборот фаолияти ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тавсияномалар ишлаб чиқиш.

5. Идоралараро кенгаш асосий вазифаларига мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот-кутубхона тизими сифатида ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхона марказларини ва кутубхоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхона марказларини ва кутубхоналарни комплектлашнинг асосий йўналишлари, мамлакатимиздаги адабиётлар (шу жумладан хужжатларнинг мажбурий нусхалари), қофоз ва электрон манбалардаги хорижий нашрлар (шу жумладан халқаро китоблар алмашиш), маълумотлар базалари ва банклари билан энг тўлиқ таъминлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади ва ишларни мувофиқлаштиради;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар фондларининг физик холатини нашрларнинг, айниқса ноёб фондлар ва маданий мерос ёдгорликларининг сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳамда тавсияномалар ишлаб чиқиш йўли билан назорат қилишни ташкил этади;

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар учун мамлакатимиздаги ва хорижий нашрларга обуна бўлишга бюджет, шу жумладан валюта маблағларини тақсимлаш, шунингдек кутубхона ишларини юритишининг илфор технологиялари негизида кутубхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятини тартиба солувчи норматив хужжатларнинг ишлаб чиқишини таъминлайди;

ахборот-ресурс марказларида ва ахборот-кутубхона марказларида янги ахборот технологияларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштиради;

республикада ахборот-кутубхона ишларини истиқболли ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарнинг нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, адабиётларни нашр этиш ва қайта нашр этиш ҳамда уларнинг тиражларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарида меҳнат шароитларини яхшилашга ва уларни кадрлар билан мустахкамлашга йўналтирилган таклифлар тайёрлайди;

республиканинг ахборот-кутубхона шохобчаларини ривожлантириш, шу жумладан электрон каталоглар ташкил этиш тизимини ривожлантириш, электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланишнинг корпоратив тизимларини, ноёб фондларни рақамлаштириш марказларини ва шу кабиларни ташкил этиш бўйича илмий-техник лойихаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ташаббус кўрсатади;

иш тажрибаларини ўрганиш, халқаро кутубхоналараро абонементни ривожлантириш, ахборотларни ўзаро айирбошлаш, халқаро кутубхона анжуманларидан ташкилотларидан қатнашиш учун чет эл кутубхоналари, нашриётлари, ахборот марказлари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади;

халқаро ва республика кутубхона конференциялари ва семинарларини ташкил этишда ва ўтказиша ташаббус кўрсатади.

6. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятининг мувофиқлаширилишини яхшилашга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш;

вазирликлар ва идоралардан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Идоралараро кенгаш ваколатига тааллукли ахборот ва маълумотнома материалларини белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхона муасасалари вакилларининг ахборот-кутубхона ишлари соҳасидаги ишларни таъминлаш ва такомиллаширишнинг ахволи ва чора-тадбирлари тўғрисидаги хисоботлари ва маърузаларини эшитиш;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар фаолиятининг энг муҳим масалалари бўйича таклифларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гурухлар ташкил этиш, шунингдек мутахассислар ва илмий ходимларни ушбу комиссиялар ва гурухларда ишлашга жалб этиш;

республика ахборот-кутубхона шохобчаларини ривожлантиришга доир илмий-техник лойихаларни қўллаб-кувватлаш ёки рад этиш бўйича эксперт хуносалари ва тавсиялар бериш.

Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради ва ҳар йили Вазирлар Маҳкамасига хисобот беради.

III. Таркиби ва ишларини ташкил этиш

7. Идоралараро кенгашнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

8. Идоралараро кенгаш ўз мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар йили камида икки марта ўтказади.

9. Ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ Идоралараро кенгаш ҳар йили ўз ишлари режасини тасдиқлади, шунингдек раис ўринbosарлари, масъул котиб ва кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

10. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси Идоралараро кенгашнинг ишчи органи хисобланади.

11. Идоралараро кенгаш ўз бланкасига эга бўлади. Идоралараро кенгаш фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юритишида хатлар, Идоралараро кенгаш раиси (унинг ўринbosари) ёки масъул котиби томонидан имзоланади.

12. Идоралараро кенгаш мажлисини ўтказиш жойи, санаси ва тартиби раис ёки унинг ўринbosарлари томонидан белгиланади, қарорлар эса мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Идоралараро кенгаш мажлисда таркибидагиларнинг камида ярми катнашган тақдирда масалаларни хал этиш ваколатига эга бўлади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Идоралараро кенгаш билан келишган холда Идоралараро кенгашга бўйсунадиган ана шундай худудий кенгашлар ташкил этилиши мумкин.

14. Идоралараро кенгаш қарорлари протокол билан расмийлаширилади, уни раис ёки унинг ўринbosарларидан бири, шунингдек масъул котиб имзолайди.

15. Идоралараро кенгаш қарорлари барча манфаатдор шахсларга етказилади ҳамда кутубхона шохобчаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

296 Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг разна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтингчалик қоидалари-ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1599-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг разна ижроси тўғрисида»ги қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсатичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 386-модда) асосан Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг разна ижросини амалга ошириш ва унинг ҳисобини тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли ва Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. Илова* қилинаётган «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг разна ижроси ҳисоби тўғрисида»ги Вақтингчалик қоидалари тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киритилсан.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июль,
61-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июль,
279-В-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

**297 Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг
шахсий ҳисобварағини очиш ҳақида вақтинчалик
қоидаларини тасдиқлаш түғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1600-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджети ғазна ижроси түғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотлари чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари түғрисида»ги ПФ-3618-сонли Фармонининг 1-илова IV бўлим 6-банди ва 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари түғрисида» ПҚ-244-сонли қарорининг 18-бандига мувоғик (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 386-модда), ҳамда Самарқанд вилояти молия органларида бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ҳақида вақтинчалик тартиби ижросини амалга ошириш мақсадида **буюраман:**

- 1. Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисоб варагини очиш ҳақида вақтинчалик қоидалари иловага* асосан тасдиқлансан.
- + 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсан.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июнь,
№ 59

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

298 Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш түғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1601-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджети ғазна ижроси түғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби» қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотлари чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чоратадбирлари түғрисида»ги ПФ-3618-сонли Фармонининг 1-илова IV бўлим 6-банди (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 166-модда) ва 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари түғрисида» ПҚ-244-сонли қарорининг 18-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 386-модда), ҳамда Самарқанд вилояти ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини жорий этиш максадида **буюраман:**

1. Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида вақтинчалик қоидалари иловага* асосан тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсан.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июнь,
60-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ

299 Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1602-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари» (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.
3. Ушбу қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 9 апрелдаги 6/16-сонли қарори ва у билан тасдиқланган 604-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари» бекор қилинсан.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари А.Қ. Қодиров зиммасига юклатилсан.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 июнь,
13/6-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 15 июндаги 13/6-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг
бухгалтерия ҳисобини юритиш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банклар томонидан касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Банкларда касса амалларининг бухгалтерия ҳисоби «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобвараклар режаси» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисобвараклар режаси»даги қўйидаги ҳисобваракларда юритилади:

- 10101 — Айланма кассадаги нақд пуллар
- 10102 — Нақд пуллар захираси
- 10103 — Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар
- 10107 — Банкоматлардаги нақд пуллар
- 10109 — Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
- 10111 — Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар
- 10307 — Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар — Нақд пуллар
- 10311 — Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиниши лозим бўлган маблағлар
- 10507 — Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар — Нақд пуллар
- 16101 — Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар — Нақд пуллар
- 16103 — Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар
- 16103 — Марказий банк/филиал/агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари (Марказий банк)
- 17301 — Транзит ҳисобвараклари
- 19903 — Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар
- 19935 — Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар
- 21008 — Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган -Нақд пуллар
- 21307 — Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар (Марказий банк)
- 21314 — Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар (Марказий банк)
- 22202 — Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар — Нақд пуллар
- 29804 — Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари
- 29816 — Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар

+

-

Ушбу ҳисобвараклардан мижозларнинг депозит ва кредит ҳисобвараклари билан бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширишда фойдаланилади.

I. Банк филиаллари айланма кассаларида амалга ошириладиган кирим ва чиқим амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

2. Мижозлардан қабул қилинган нақд пуллар банк айланма кассасига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиниши лозим:

a) **Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»
Кредит «Мижозларнинг депозит ҳисобвараги»**

б) агар кредитни қайтариш учун нақд пуллар топширилган бўлса:

**Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»
Кредит «Мижозларнинг тегишли кредит ҳисобвараги»**

в) агар олинган кредитлар бўйича фоизлар тўлови нақд пулда амалга оширилган бўлса:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 16309 — «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

3. Банк айланма кассасидан мижозларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатларини, нафақа ва ёрдам пули, моддий ёрдам пуллари, дивидендлар ҳамда бошқа қонунчиликда таъкиқланмаган нақд пул тўловлари ни қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали чиқим қилиниши лозим:

Дебет «Мижозларнинг депозит ва кредит ҳисобварақлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

4. Айланма кассада ўрнатилган лимит миқдоридан ортиқча нақд пуллар суммаси 10102 — «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағига кирим қилинганда бир вактнинг ўзида қўйидаги иккита бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидан нақд пуллар чиқим қилинганда:

Дебет 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

б) 10102 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағига нақд пуллар кирим қилинганда:

Дебет 10102 — «Нақд пуллар захираси»

Кредит 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

5. Банклар хар куни иш бошлашдан олдин ўз мижозларидан ёзма равища тушган касса буюртманомаларидан келиб чиқиб, 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидаги маблағ етарли ёки етарли эмаслигини аниқлайди.

Агар маблағ етарли бўлмаса, у холда 10102 — «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағидан айланма кассага маблағ чиқарилади ва бир пайтнинг ўзида қўйидаги иккита бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиши лозим:

а) 10102 — «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағидан нақд пуллар чиқим қилинганда:

Дебет 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10102 — «Нақд пуллар захираси»

б) 10101 ҳисобварағига нақд пуллар кирим қилинганда:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

III. Банкларда мижозларнинг нақд пул тушумини инкасация қилишининг бухгалтерия ҳисоби

6. Инкассаторлар томонидан мижозлардан йиғиб келинган пул маблағлари солинган инкассатор қоплари банкларнинг кечки кассаларига белгиланган тартибда қабул қилинади. Ушбу пул маблағлари солинган инкассаторлик қоплари кейинги иш куни эрталаб қайта санаш кассасига топширилади. Кечки касса томонидан юк хати асосида тайёрланган кирим рўйхатининг биринчи нусхаси қайта санаш

кассасига ва иккинчи нусхаси банк бухгалтериясига топширилади ҳамда бухгалтерия ушбу кирим рўйхати асосида қўйидаги ўтказмаларни амалга оширади:

а) инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидағи нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар шу банк мижозига тегишли бўлса:

Дебет 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

Кредит «Мижоз депозит ҳисобварафи»

б) инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидағи нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар бошқа банк ёки банкнинг бошқа филиали мижозига тегишли бўлса:

Дебет 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

Кредит 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

7. Қайта санаш кассасида инкассаторлик қопларидағи пул маблағлари белгиланган тартибда санаб бўлингандан кейин, нақд пул маблағлари банк айланма кассасига кирим қилинади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

8. Агар қайта санаш кассасида қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 29816 — «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар»

9. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари ушбу банк мижозига тегишли бўлса, у мижознинг ҳисобварафига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29816 — «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар»

Кредит «Мижоз депозит ҳисобварафи»

10. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари бошқа банк мижозининг 29804-«Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» ҳисобварафига шартномада келишилган холларда ўтказиб берилганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29816 — «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар»

Кредит 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

11. Агар қайта санаш кассасида нақд пул маблағлари камомад чиққанлиги аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 19935 — «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар»

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

12. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси ушбу банк мижозига тегишли бўлса ва у мижознинг ҳисобварафидан шартномада келишилган

шартларга биноан ундириб олинганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет «Мижознинг депозит ҳисобвараги»

Кредит 19935 — «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар»

13. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси бошқа банк мижозининг 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» баланс ҳисобварагидан шартномада келишилган шартларга асосан ундириб олинганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 19935 — «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар»

14. Бошқа банк мижозларига тегишли бўлган нақд пул бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, электрон мемориал ордер шакллантирилиб, вакиллик ҳисобварагидан шу куннинг ўзида, электрон тўлов тизими орқали, уларнинг ҳисобваракларига ўтказиб берилади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобвараги»

Кредит 22624 — «Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари»
тегишли ҳисобварагига кирим қилинади (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» ҳисобвараги орқали)

15. Маблағ олувчининг банкига электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» ҳисобвараги орқали)

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобвараги»

Кредит 22624 — «Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари»
(ҳисобваракнинг тегишли шахсий ҳисобварагига кирим қилинади)

Агар банк томонидан 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» ҳисобварагидан мемориал ордер билан бошқа банк мижозларининг асосий депозит ҳисобварагига ёки акцизли товарлар сотувидан пул тушумлари суммаси ўтказилганда, ҳар бир акциз товар тури бўйича савдо тушуми суммасини алоҳида мемориал орқали ўтказилиши шарт.

Пул маблағлари банк айланма кассасига электрон тўлов тизими ёпилгандан кейин кирим қилинган бўлса, бошқа банкдаги мижозларнинг ҳисобварагига пул маблағлари кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда ўтказиб берилади.

16. Қайта санаш кассасида аниқланган бошқа банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича тўловларнинг ўтказилишида инициатор (тўлов операциясини бошловчи)

банк филиали томонидан қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиши лозим:

Дебет 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблаглар» ҳисобварағи орқали)

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

17. Бенефициар (тўлов операциясини якупловчи) банкка электрон чек келиб тушганда, дастурий йўл билан қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари»

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблаглар» ҳисобварағи орқали)

Бунда бошқа банклар ҳисоб-китоб чекларининг асл нусхалари инициатор банкда қолдирилади ҳамда кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига белгиланган тартибда тикилади ва сақланади.

18. Маблағ тўловчи ва олувчига бир банқда хизмат кўрсатилса, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари»

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

19. Филиаллари мавжуд бўлмаган банклар ўртасида амалга ошириладиган банклараро тўловвлар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Бошқа банк мижозларига тегишли бўлган накд пул бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, вакиллик ҳисобварағи орқали шу куннинг ўзида, электрон мемориал ордер шакллантирилиб электрон тўлов тизими орқали, уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб берилади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи»

Кредит 22624 — «Савдо корхоналарининг мақсадли маблаглари» тегишли ҳисобварағига кирим қилинади (10301 — «Марказий банқдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

Бенефициар банкка яъни маблағ олувчининг банкига электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» (10301 — «Марказий банқдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи»

Кредит 22624 — «Савдо корхоналарининг мақсадли маблаглари» (ҳисобварақнинг тегишли шахсий ҳисобварағига кирим қилинади)

Инициатор банк (тўлов операциясини бошловчи)да ҳисоб-китоб чеклари бўйича қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобвараклари» (10301 — «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвараги-Ностро» ҳисобвараги орқали)

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

Бенефициар (тўлов операциясини якунловчий) банкга электрон чек келиб тушганда, дастурий йўл билан, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали чиқим қилинади:

Дебет 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобвараклари»

Кредит 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» (10301 — «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвараги-Ностро» ҳисобвараги орқали)

**IV. Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари Ҳисоб китоб
касса марказ (кейинги ўринларда — ҲҚҚМ) ларидан тижорат
банкларига мадад пулларини бериш ва олиш амаллари бўйича
бухгалтерия ўтказмалари**

20. Тижорат банк Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари ҲҚҚМларидан нақд пул олиш учун худудий Бош бошқармалари томонидан мадад пули бериш тўғрисидаги фармойишга асосан тегишли бухгалтерия ўтказмаси орқали худудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб-китоб касса марказларига маблаф жўнатадилар.

21. Филиали мавжуд бўлмаган инициатор банк мадад пули олиш учун, қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириши лозим:

Дебет 10307 — «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар—
Нақд пуллар»

Кредит 21307 — «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар» (10301 — «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвараги-Ностро» ҳисобвараги орқали)

22. Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари ҲҚҚМларига мадад пули олиш учун маблаф келиб тушганда, дастурий йўл билан, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 — «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар—
Нақд пуллар» (16103 — «Марказий банк /филиал /агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари» ҳисобвараги орқали)

Кредит 21307 — «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

23. Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари ҲҚҚМлари томонидан мадад пули жўнатилганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

24. Филиали мавжуд бўлмаган инициатор банкка, ҲҚҚМдан Марказий банк

худудий Баш бошқармалари фармойишига асосан мадад пули келтирилганды, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10307 — «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар — Нақд пуллар»

25. Марказий банкнинг худудий Баш бошқармалари ҲҚҚМларига филиали мавжуд бўлмаган инициатор банкдан мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21307 — «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

26. Инициатор банк филиалида (филиали мавжуд банкларда) Марказий банкнинг худудий Баш бошқармалари ҲҚҚМларидан мадад пули олиш қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 — «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар — Нақд пуллар»

Кредит 21307 — «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» ҳисобвараги орқали)

+

Бенефициар банк филиалига, яъни Марказий банкнинг худудий Баш бошқармалари ҲҚҚМларига мадад пули учун маблағ келиб тушганда, дастурий равишда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 — «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар — Нақд пуллар» (16103 — «Марказий банк /филиал /агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари» ҳисобвараги орқали)

Кредит 21307 — «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

Бенефициар банк филиали, яъни Марказий банкнинг худудий Баш бошқармалари ҲҚҚМлари томонидан мадад пули жўнатилганды, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Инициатор банк филиалига мадад пули келтирилганды, қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10307 — «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар — Нақд пуллар»

Марказий банкнинг худудий Баш бошқармалари ҲҚҚМларига мадад пулини олганлиги тўғрисида, инициатор банк филиалидан тасдиқнома келганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 21307 — «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

27. Тижорат банк филиаллари Марказий банк худудий Бош бошқармалари фармойишига асосан бошқа тижорат банк филиалидан мадад пули олганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Инициатор банк филиаллари мадад пули олиш учун қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали маблағ жўннатадилар:

Дебет 10507 — «Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар —
Нақд пуллар»

Кредит 21008 — «Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган —
Нақд пуллар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва
банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар»
ҳисобвараги орқали)

Бенефициар банк филиалига мадад пули учун маблағ келиб тушганда, дастурний равиша, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10507 — «Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар —
Нақд пуллар» 16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро
ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» хисобвараги орқали

Кредит 21008 — «Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган —
Нақд пуллар»

Бенефициар банк филиали мадад пули жўннатганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

+

Инициатор банк филиалида, яъни мадад пули олган филиалда эса олинган мадад пули суммасига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10507 — «Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган
маблағлар — Нақд пуллар»

Бенефициар банк филиалига инициатор банк филиали томонидан жўннатилган мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келиб тушганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 21008 — «Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган — Нақд пуллар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов
ҳужжатлари»

28. Бир банк филиаллари ўртасида мадад пулларини бериш ва олиш бўйича бухгалтерия ҳисоби қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Инициатор банк филиали, яъни мадад пули олувчи филиал нақд пул олиш учун шу банкнинг бенефициар филиалига маблағ жўннатганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 16101 — «Бош банк/ филиаллардан олинадиган маблағлар — Нақд
пуллар»

Кредит 22202 — «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар
— Нақд пуллар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва
банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар»
ҳисобвараги орқали)

Банкнинг бенефициар банк филиалига электрон тўлов орқали мадад пули учун маблаф келиб тушганда, дастурий йўл билан, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16101 — «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар — Нақд пуллар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» ҳисобвараги орқали)

Кредит 22202 — «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар — Нақд пуллар»

Банкнинг бенефициар филиали, яъни мадад пули жўнатувчи 22202-сонли ҳисобваракқа мадад пули учун маблаф келиб тушгандан сўнг, қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириади:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Банкнинг инициатор филиалига, яъни мадад пули олувчи банкка мадад пули келтирилганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 16101 — «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар — Нақд пуллар»

Мадад пулини қабул қилиб олган филиал юкоридаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширгандан сўнг бенефициар филиалга яъни мадад пулини жўнатган филиалга мадад пулини қабул қилганлиги тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқнома жўнатади.

Бенефициар банк филиали яъни мадад пули жўнатган филиал, инициатор банк филиали, яъни мадад пули олган филиалдан белгиланган тартибда тасдиқнома келганда, бенефициар банк филиали томонидан қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 22202 — Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар — Нақд пуллар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

V. Пул алмаштириш шохобчаларида кирим ва чиқим амалларини амалга оширишга доир бухгалтерия ҳисоби

29. Банкнинг айланма кассасидан пул алмаштириш шохобчаларига мадад пули олиб келинганда, мадад пули шохобча томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниши лозим.

Банк 10103 — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварағига мадад пулини жўнатганда, хар бир валюта (VVV-валюта белгиси) бўйича алоҳида, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали чиқим қиласди:

Дебет 10109VVV — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101VVV — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

30. Қабул қилинган мадад пули 10103 — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 10103VVV — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 10109VVV — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари»

31. Банкнинг бош бухгалтери банк амалиёт куни охирида ўзларининг пул алмаштириш шохобчаларининг «09009» маълумотномасида кўрсатилган «Дебет» ва «Кредит» айланмалари умумий суммасига, қуйидагиларни амалга оширади:

Пул алмаштириш шохобчаси хорижий валюта сотиб олиш учун сарфланган нақд пулнинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган сўмдаги умумий суммасига:

Дебет 17101000 — «Валюта позицияси ҳисобвараклари»

Кредит 10103000 — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

32. Пул алмаштириш шохобчаси хорижий валютани сотишдан тушган сўмдаги нақд пулнинг юхатда кўрсатилган алоҳида ҳар бир хорижий валютадаги умумий суммасига:

Дебет 10103000 — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 17101000 — «Валюта позицияси ҳисобвараклари»

33. Пул алмаштириш шохобчаси сотиб олинган хорижий валютанинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган алоҳида ҳар бир хорижий валютадаги умумий суммасига:

Дебет 10103VVV — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 17101000 — «Валюта позицияси ҳисобвараклари»

34. Пул алмаштириш шохобчаси сотилган хорижий валютанинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган умумий суммасига:

Дебет 17101 VVV — «Валюта позицияси ҳисобвараклари»

Кредит 10103VVV — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

35. Банк балансида 10103 — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварагидаги сўмдаги ва валютадаги қолдиқ пул алмаштириш шохобчалари кассирларидан олинган «09009» маълумотномасида кўрсатилган қолдиқка солишибтирилади ва улар teng бўлган тақдирда мазкур банк амалиёт куни белгиланган тартибда якунланади.

Бунда, 10103 — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» қолдиғи 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари» ҳисобварагига ҳар бир валюта бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиб қўйилади:

Дебет 10109VVV — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари»

Кредит 10103VVV — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

36. Кейинги иш куни эрталаб, 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари» ҳисобварагидаги қолдиқни 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

лар» хисобварағига ҳар бир валюта бўйича кирим қилинганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101VVV — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10109VVV — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари»

Агарда, пул алмаштириш шохобчаларидан олинган нақд пуллар қайта санаш кассасида қайта саналгандан сўнг камомад ёки ортиқча маблағлар аниқланса, белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

VI. Банкоматда кирим ва чиқим амалларини амалга оширишга доир бухгалтерия хисобини юритиш тартиби

37. Банк 10107 — «Банкоматдаги нақд пуллар» хисобварағига мадад пулини белгиланган тартибда тақсимлаб бўлгандан сўнг ҳар бир банкомат бўйича қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширилади:

Дебет 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

38. 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар» хисобварағига мадад пулини кирим қилинганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

39. Банкоматдан пластик карточка бўйича харажат қилинган ҳар бир харажат суммаси дастурий йўл билан қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет 22618 — «Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари»

Кредит 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

40. Банкоматдаги қолган ёки тўловга яроқсиз нақд пулларни банкка қайтарилиганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

41. Банкоматга ортиқча қўйилган ёки тўловга яроқсиз нақд пулларни 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» хисобварағига кирим қилинганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17301 — «Транзит ҳисобварақлари»

VII. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ва минибанкларида кирим ва чиқим амалларини амалга оширишга доир бухгалтерия хисоби

42. Ҳар бир банк биносида ва биносидан ташқарида жойлашган шохобчасига, минибанкига талаб қилинган мадад пулини ўз вақтида ва сўралган миқдорда тақсимлаши лозим.

Банк 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидан банк биносидан ташқарида жойлаштирилган шохобчаларига (10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар») мадад пулини жўнатганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширадилар:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар» ҳисобварағига мадад пули кирим қилинганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

43. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки ми-нибанк жисмоний шахслардан коммунал хизматлар ва бошқа ўйғимлар бўйича тушган нақд пулларни қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиши лозим:

Агар шу банкнинг мижозларига тегишли бўлса қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит «Мижоз ҳисобварағи»

Агар бошқа банк мижозига тегишли бўлса қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

44. Бошқа банк мижозларига тегишли бўлган маблағлар шу куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказиб берилиши шарт:

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар»

45. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки ми-нибанк ўз мижозларининг омонатларига нақд пул қабул қиласа, қўйидаги бухгалте-рия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари»

Кредит 20406 — «Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари»

Кредит 20606 — «Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари»

46. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки ми-

+

нибанк ўз мижозларининг омонатлари ҳисобидан нақд пул берса, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 — «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари»

Дебет 20406 — «Жисмоний шахсларнинг жамгарма депозитлари»

Дебет 20606 — «Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари»

Кредит 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

47. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки мишибанк хисобварафига кирим қилинган мадад пули ҳамда кун давомида мижозлардан кирим қилинган нақд пуллар микдорида харажат қилишга руҳсат этилади, амалиёт куни якунланганда қолдик сумма тўлалигича 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» хисобварафига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали беркитилиши лозим:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

48. 10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар» хисобварафи қолдифи кун охирида беркитилганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

+ **ВІІІ. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚҚМлари томонидан тижорат банкларининг айланма кассаларидағи ортиқча нақд пулларни қабул қилиш амаллари бўйича бухгалтерия ҳисоби** -

49. Тижорат банклари нақд пуллар захирасидан ортиқча нақд пулларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚҚМларига жўнатганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширилади:

Дебет 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

50. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚҚМлари айланма кассасига тижорат банкларидан келтирилган нақд пулларни кирим қилганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 21314 — «Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚҚМлари нақд пулларни айланма кассасига кирим қилгандан сўнг, шу захотиёқ дастурий равишда тижорат банкига нақд пулларни қабул қилганлиги тўғрисида тасдиқномани жўнатиши шарт.

51. Худудий Бөш бошқармалари ҲҚҚМлари айланма кассасига кирим қилингандан нақд пуллар учун тијорат банкларига маблағ ўтказиб берилганды, қўйидаги якунловчи бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21314 — «Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 10311 — «Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиниши лозим бўлган маблағлар» (16103 — «Марказий банк /филиал /агентликларнинг, филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари» ҳисобвараги орқали)

52. Тијорат банкларига Марказий банкнинг худудий Бөш бошқармалари ҲҚҚМларидан топширилган нақд пуллар учун тасдиқнома келиб тушганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширишлари шарт:

Дебет 10311 — «Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиниши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

53. Тијорат банкка топширилган нақд пуллар учун Марказий банкнинг худудий Бөш бошқармалари ҲҚҚМларидан маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан қўйидаги якунловчи бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21314 — «Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» ҳисобвараги)

Кредит 10311 — «Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиниши лозим бўлган маблағлар»

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**300 Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бух-
галтерия ҳисоби ҳисобвараклар режасига ўзгартериш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 773-22-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-
ки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июл-
даги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 август, рўйхат рақами
773-17 — Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил
32-сон, август, 369-модда) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгал-
терия ҳисоби ҳисобвараклар режасига» иловага* мувофиқ ўзгартериш ва қўшимча-
лар киритилисн.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйха-
тидан ўтказилган вактдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўрин-
босари А.К. Қодиров зиммасига юклатилисн.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 июнь,
13/7-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
 ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

301 Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1603-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майда ПҚ-362-сонли «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарорининг 7-бандини (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 190-модда) ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиласиз:

- 1. Илова* қилинаётган Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тўғрисида низом тасдиқлансин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Халқ таълими вазири Т. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 30 июнь,
 17-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 30 июнь,
 63-сон

Маданият ва спорт ишлари вазири А. АЗИЗХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 30 июнь,
 2-сон

Ўзбекистон матбуот ва ахборот Агентлиги директори Б. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 30 июнь,
 1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ҚАРОРИ

**302 Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий
стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Баҳолашни уму-
мий тушунча ва принциплари»**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1604-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сонли «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳолашнинг умумий тушунча ва принциплари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июнь,
01/19-19-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ҚАРОРИ

**303 Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий
стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Бозор қиймати
баҳолаш базаси сифатида»**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1605-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сонли «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Бозор қиймати баҳолаш базаси сифатида» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июнь,
01/19-20-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ҚАРОРИ

**304 Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий
стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Бозор қиймати-
дан фарқланувчи баҳолаш базаси»**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1606-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сонли «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Бозор қийматидан фарқланувчи баҳолаш базаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июнь,
01/19-21-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ҚАРОРИ

305 Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Молиявий ҳисобот ва турдош ҳужжатлар мақсадида баҳолаш»

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1607-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сонли «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилилади**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Молиявий ҳисобот ва турдош ҳужжатлар мақсадида баҳолаш» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июнь,
01/19-22-сон

+

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ҚАРОРИ

**306 Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий
стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Суда, гаров ва
қарз мажбуриятларини таъминлаш учун баҳолаш»**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 июлда 1608-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сонли «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Суда, гаров ва қарз мажбуриятларини таъминлаш учун баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

+ 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июнь,
01/19-23-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИНГ
КАРОРИ

307 **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хуносалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
26 июлда 1311-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 5 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги, ПФ-3631-сонли «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПК-136 сонли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва 2006 йил 22 июндаги ПК-386-сонли «2006—2008 йиллар учун маҳаллий хом-ашё асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солик қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси томонидан 2004 йил 6 февралдаги ЭГ-01/12-368, 19, 29, 01-02/8-11 ва 2004-18-сон билан тасдиқланган (2004 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1311) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хуносалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга (Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 7-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан сўнг кучга киради.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. ФАНИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
ЭГ-01/10-4090-сон

Иқтисодиёт вазири Б. ХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
4-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
68-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
01-02/8-14-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 июль,
2006-33-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 22 июлдан 28 июлгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вактинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 12 июлдаги 61, 279-В-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1599-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 авгуустдан кучга киради).

2. «Бюджетдан маблағ олувчилик шахсий ҳисобварафани очиш ҳақида вактинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 27 июндаги 59-сон буйруғи.

2006 йил 24 июлда 1600-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 авгуустдан кучга киради).

3. «Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида вактинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Молия вазирининг 2006 йил 27 июндаги 60-сон буйруғи.

2006 йил 24 июлда 1601-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 авгуустдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6 қарори.

2006 йил 24 июлда 1602-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 авгуустдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/7 қарори.

2006 йил 24 июлда 773-22-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 авгуустдан кучга киради).

6. «Умутаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2006 йил 30 июндини 17, 63, 2, 1-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1603-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 авгуустдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Баҳолашни умумий тушунча ва принциплари» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июнданги 01/19-19-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1604-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 августдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Бозор қиймати баҳолаш базаси сифатида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июнданги 01/19-20-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1605-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 августдан кучга киради).

9. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Бозор қийматидан фарқланувчи баҳолаш базаси» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июнданги 01/19-21-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1606-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 августдан кучга киради).

10. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Молиявий хисобот ва турдош хужжатлар мақсадида баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июнданги 01/19-22-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1607-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 августдан кучга киради).

11. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Суда, гаров ва қарз мажбуриятларини таъминлаш учун баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 14 июнданги 01/19-23-сон қарори.

2006 йил 24 июлда 1608-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 августдан кучга киради).

12. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 25-июндаги ЭГ-01/10-4090, 4, 68, 01-02/8-14, 2006-33-сонли қарори.

2006 йил 26 июлда 1311-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 5 августдан кучга киради).

+

-

—

+